# ГЕНЕРАЛ ОРТИДА ҚОЛГАН АСКАРЛАР

Боши биринчи бетда

## «ОРЗУИМ — ОНА ЮРТНИ КЎРИШ»

**Мэйн штатига бориш учун тараддуд кўраётганимда Вашингтонга йўл олишимга тўғри келди. Боиси — шу йил март ойида бу ерда қувончли воқеа рўй берди: ҳозирча шу мамлакатда яшаб турган, авваллроқ Афғонистонда асирга олиниб, сўнг хориждаги дўстларимиз томонидан озод этилган собиқ ўзбек аскарлари билан учрашув бўлди.**

**Мен мезбонлардан ватандошлар билан таништиришларини илтимос қилгандим. Эртасига марғилонлик Рўзимат ака Умурзоқ ўғли (Рўзи Назир) «Афғонистон урушида қатнашган ватандош ўзбек йигитлари билан учрашишни истайсизми! Улар сизни уйларига таклиф этишяпти», деб қолдилар.**

**Қаранг, тангри берса, кетма-кет беради, деганларидек мен қидириб юрган йигитларнинг ўзлари мени уйларига таклиф қилишибди. Таклифни қувонч билан қабул қилдим. Икки қаватли беш хонали уйда уч киши туришар экан. Булар — марғилонлик Ғайрат Ҳасанов, қаршилик Акром Файзуллаев ҳамда афғонистонлик ўзбек йигити, «Ўзбек — туркий алифбо» муаллифи, Тошкент дорулфунуни ўзбек филологияси бўлимининг собиқ талабаси Азизулла Абдулшукур ўғли.**

**Йигитлар билан бир неча кун қадрдонларча суҳбатлашдим. Мулоқотларимизни магнит лентасига тушириб, кейин шу асосда мақола ёзмоқчи эдим. Бўлмади. Йигитларнинг назарида кимдир гапимизни эшитиб, таъқиб этиб тургандек бўлаверди. Шундан сўнг улар «Саволларингизни айтинг, биз ёзма равишда жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз» деган таклифни киритишди. Бу менга ҳам маъқул тушди.**

**Қуйида «интернационал бурчини ўташ учун» Афғонистондаги жаҳаннам қаърига ташланган, сўнг асирга олинган ва Америкада яшовчи миллатдошимиз томонидан озод қилинган ҳамюртларимиз билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман:**

Ғайрат **Ҳасанов** — ўрта бўйли, буғдойранг, камгап, лекин бутун борлиғи билан меҳнатга берилган, тиниб-тинчимас йигит.

**— Ғайратжон, аввало ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз.**

— Мен Ғайрат Аҳмад ўғли (Ғайрат Ҳасанов) 1963 йил 10 июнда Ўзбекистоннинг Марғилон шаҳрида туғилдим. 10 йиллик мактабни битиргач, пайвандчилик билим юртига ўқишга кирдим. 1981 йилда «Мажбурий хизматга» чақирилдим. Тошкентда уч ой карантинда бўлдим. Сўнгра Афғонистонга жўнатдилар. Артиллерия қисмига тушдим. Қишнинг энг совуқ ойларида ташқарида соқчилик қилганлигим туфайли, ревматизм касаллигига гирифтор бўлиб қолдим. Соғлиғим кундан-кунга оғирлашиб бораверди. Командиримизга хасталигимни эслатдим, барибир, у ўз айтганидан қолмади: «Ҳечқиси йўқ, армия дегани шунақа бўлади, сабр қилиш керак», деди. Соқчиликда яна икки ҳафта тургач, оёғим шишиб кетди. Мени нолож Кобулдаги госпиталга юборишди. Бир ой даволаниб қайтиб келганимдан сўнг қурилиш ишига қўйдилар, бу менга жуда оғир тушяпти, деб мурожаат этдим.

**— Мужоҳидлар қўлига қандай тушиб қолдингиз!**

— Орадан 3—4 ой ўтгандан кейин оёқ оғриғига чидамасдан у ерни тарк этишга мажбур бўлдим. Йўлда мужоҳидларга дуч келдим...

**— Асирга тушганлигингизни билиб, қисмдагилар ёрдамга келишдими!**

— Бизни излаб қишлоққа келган совет вертолёт ва МИГлари бутун қишлоқни бир неча бор бомбалаб, кулини кўкка совуриб кетдилар. Мужоҳидлар кўп талафот кўрганликлари туфайли бизни Покистонга — мужоҳидлар лагерига юборишга мажбур бўлдилар. Тоғ-адирлар оша 6 кун юриб, Покистонга етиб келдик. Бу ерда ярим йил турганимиздан кейин бизни Зобулга — Покистон билан Афғонистон чегарасида жойлашган, атрофи тоғ билан ўралган, мужоҳидлар қурол-аслаҳа билан машқ қиладиган жойга юбордилар. Анча қийинчилик кўрдик. Ҳеч ким билан алоқа йўқ. Биз бир хонада 4 киши яшадик: Мен, Акром (Акром Файзуллаев — Х. И.), яна биз сингари асир тушганлардан озарбойжонлик Ҳожимурод Сулаймонов ва тошкентлик Мансур Алядиновлар. Орадан икки йил ўтгач, биз интиқиб кутган орзу рўёбга чиқа бошлади.

**— Қандай ташкилот ёки ким сизларни озод қилди!**

— Бизни Америкада истиқомат қилувчи Рўзи Назар ака озодликка олиб чиқдилар. У киши мен билан Акромни, ўз хоҳишимизга кўра, Америкага олиб келдилар.

Бу мамлакатга келиб компьютер соҳасида ўқиб, ишладик.

**— Ҳали амалга ошмаган орзуларингиз ҳам борми!**

— Менинг орзуларимдан бири, туғилиб вояга етган она юртимни кўриш ва унинг дийдорига тўйишдир...

**Ғайрат жуда кам гапиради. Менинг назаримда, Афғонистондаги даҳшатли уруш изтиробларини енгиш, эсламасликка ҳаракат қилиш учун ўзини фақат меҳнат билан овутяпти. Кейинги вақтларда иш жойини ўзгартириб, Вашингтон кўчаларида такси ҳайдаяпти, ҳамма саккиз соат ишласа, у 16 соат ишлашга уриняпти. Энг юксак орзуси, ўзи таъкидлаганидек, Ватанга — ота-онаси, акаси, олти опа-синглиси бағрига қайтиш. Яна бир нияти— ўз юртимизда уйланиш. Шунинг учун ҳам эсон-омон қайтиб борганида уй сотиб олиш ва уйланиш учун пул йиғяпти.**

**Бироқ Ғайратнинг бир афсуси ҳам бор: наҳотки, аскар армияга кетаётганда мажлис-митинглар қилиб, духовой оркестр чалиб жўнатишса-ю, бошига кулфат тушганда уни танимаган етти ёт бегоналардек муносабатда бўлишса. Мана шу боис ҳам давлатимиз Афғонистонда асирга олинган аскарларга нисбатан қабул қилган умумий афвга Ғайрат ва унинг тақдирдошлари, дўстлари ишонқирамай қараяптилар.**

## «ЖУДОЛИКДА ҚОЛГАН ЙИГИТЛАРНИ КЎРИШСИН»

Вашингтонда Акром Файзуллаев билан доимо бирга бўлдим. У мени ўз машинасида олиб юриб, шаҳарни кўрсатди, юртдошлар билан таништирди. Шу аснода иккимиз жуда кўп гаплашдик. Менинг саволларимга у ҳам ёзма жавоб қайтарди.

**— Акромжон, Совет Армияси сафида қанча вақт бўлдингиз! Афғон мужоҳидларига қачон дуч келдингиз!**

— Мен Совет Армиясида умуман бир йил хизмат қилдим. Шундан олти ойини Тошкент вилоятида, қолган олти ойини эса Афғонистоннинг Кобул шаҳрида ўтказдим. Мужоҳидларга 1982 йилнинг май ойида дуч келдим. Мени Кобулнинг шимолидаги Шакардара улусволийсига бошлаб келишди. Бу жойлар Гулбиддин Ҳикматёрнинг тўдалари назоратида экан. У ерда мендан бир ой олдин асирга тушган Ғайратни кўриб, ўзимни анча енгил ҳис этдим. У форс тилини, номоз ўқишни анча ўзлаштириб олган экан. Бу масалада менга ҳам кўп ёрдам берди.

**— Сизларга қандай муносабатда бўлишди!**

— Тўрт ойча мужоҳидлар командирининг уйида яшадик. Бу уй биз учун очиқ қамоқхона эди. Биз командир чизиб берган чизиқдан чиқмаслигимиз шарт эди. Қоидани бузсак, калтак ердик. Бу ҳақда кўп тўхтала олмайман. Уларни эслаш оғир...

Ғайрат иккимизнинг ҳаётимиз хавф остида қолганини сезган командир бизни ўз одамларига қўшиб, Покистонга жўнатишга қарор қилди. Олти кун пиёда юриб, Покистоннинг Тэри Мангал деган жойига етиб келдик. У ердан автобусга ўтириб, Пешовор шаҳрига, Ҳикматёр ҳузурига бордик.

Биз Ҳикматёр ҳузурида борйўғи беш минутча бўлдик. У биз билан форс тилида сўзлашди. Билишимча, у учта тилни яхши ўзлаштириб олган: форсча, пуштунча ва инглизча. Иккимиздан хизмат қилган жойимизни сўради. Сўнгра бизни меҳмонхонага жойлаштиришди. Шу ерда Аминий деган одам билан танишдик. У асли марғилонлик бўлиб, 1930 йили уч ёшида ота-онаси билан Афғонистоннинг Қундуз вилоятига келиб қолган экан. Аминий ҳозир ҳам вақти-вақти билан Америкага келиб туради. У бизнинг Америкага келишимизга сабабчи бўлганлардан бири ҳисобланади.

**(Изоҳ: Аминий Ғайрат Ҳасанов ва Акром Файзуллаевларнинг Пешоворда афғон мужоҳидлари қўлида эканликларини Рўзи Назарга айтган).**

Биз Пешовор меҳмонхонасида беш ойча турдик. Бу давр ичида дунёнинг Америка, Англия, Франция, Ғарбий Германия, Италия, Испания, Япония, Саудия Арабистони, Туркия, Эрон, Покистон каби ўнлаб мамлакатлари журналистларига интервьюлар бердик. Ўз интервьюларимизда совет ҳукуматининг Афғонистонга қилган қонли хуружини қораладик. Ўша пайтдаги раҳбарлардан нафратландик. Чунки биз бемаъни урушнинг тирик қурбонларига айландик!

Кейинчалик Ҳикматёр бизни Афғонистон билан Покистон чегарасида жойлашган, Қандаҳор вилоятига яқин Зобул деган тарафсиз зонага жўнатди. Унинг деярли ҳамма жойида Ҳикматёрнинг куролли тўдалари ўрнашган. Ҳаётимизнинг энг оғир, даҳшатли икки йили шу ерда кечди. Мужоҳидлар биз билан жуда қўпол муносабатда бўлишди. Қул каби ишлатишди. Ҳавонинг совуғига, ёмғирга қарамай, тоғлардан тошлар жамлаб, уларни елкамизда ташиб, қурол-аслаҳа омборлари қурдик. Кунига ўн соатдан ишлаганимиз етмагандай, беш маҳал номоз ўқишга ҳам мажбур эдик. Овқатлар бемаза, таркибида умуман витамин йўқ деса бўлади. Мева маҳсулотларини эса икки йил ичида юзини ҳам кўрмадик.

Шу ерда ўзимиз сингари уч собиқ аскар билан танишдик. Бири — доғистонлик Ҳожимурод Сулаймонов, иккинчиси тошкентлик қримтатар йигити Мансур Алядинов, учинчиси— воронежлик Сергей Мешеряков эди.

Биз турган жойга ҳам вақти-вақти билан ҳар хил журналистлар келиб туришарди. Улар келганда мужоҳидлар бизни ишга чиқаришмас, кийимларимизни янгилаб, дурустроқ овқат беришарди. Журналистлар кетишганидан сўнг яна ўша эски қозон, эски товоқ эди.

Оғир ишларда ишлаганимиз сабабли роса тинкамиз қуриб, тез-тез ҳар хил касалликка чалинардик. Дори-дармон ҳақида оғиз очмаса ҳам бўлади. Ахийри, бир куни ҳаммамиз келишиб, бундай яшагандан кўра ўлган афзалроқ, дея очлик эълон қилдик. Сабабини сўрашганда, ё бизни Ғарбга озодликка чиқарасизлар ёки ўзимизни очликдан ўлдирамиз, дедик. Олти кун ҳеч нарса емадик, фақат сув ичиб турдик. Бу орада мужоҳидлар бизни енгилар, деб тепишди ҳам. Еттинчи куни мужоҳидлар командири иккита нон кўтариб хонамизга кириб келди. У бизнинг Ғарбга кетишимизга қўлидан келганича ёрдам қилишга ваъда берди. Бу командирни Зафариддинхон деб чақиришарди. Агар Ғарбга кетмасак, биз ўзимизни-ўзимиз нобуд қилишимизга унинг кўзи етди. Ўша пайтда собиқ аскарларни Ғарбга чиқариш масаласи жуда мураккаблашган эди...

Ниҳоят, 1985 йил 24 апрелда Америкага етиб келдик.

**— Собиқ совет аскарларининг озодликка чиқишига ким, қайси ташкилотлар бош қўшди, деб ўйлайсиз?**

— Бу борада Ғарб давлатлари арбобларининг хизмати жуда катта. Улар қаторига собиқ АҚШ Давлат секретари Жорж Шульц ҳам киради. Бундай танилган арбоблар, сиёсатчилар шахсий ташкилотларга таяниб фаолият кўрсатганлар. Менинг ва Ғайратнинг Америкага келишимизга бош сабабчи эса Рўзи Назар бўладилар. Буни ҳеч ким рад эта олмайди. У киши ёшлари бир жойга етиб қолганига қарамай, бизни деб, қонқариндошларим деб, уч марта Покистонга бориб келганлар, мужоҳидлар раҳбарлари билан учрашганлар. Ҳатто, машинада асфальтсиз, ўнқир-чўнқир йўллардан олти соатлаб юриб, биз турган лагерга ҳам келиб кетганлар.

**— Америкага келгач, собиқ аскарларимизни учратдингизми ёки улар тўғрисида эшитдингизми?**

— Мен сўзимни афсус калимаси билан бошлайман, чунки улар ҳақида жуда оз биламан, билганларим ҳам тўлиқ эмас. АҚШда тўртта собиқ аскаримиз бор экан: биттаси мен, иккинчиси — Ғайрат, учинчиси — Абдулла. Биз унинг фамилиясини билмаймиз, асли самарқандлик эканлигини, Мэйн штатида яшашини эшитганмиз. Бир америкалик оила ўз оталиғига олган, уйидан хона ажратиб бериб, савдо ишига жойлаштириб қўйган. У билан алоқа ўрнатишнинг иложи бўлмаяпти. Тўртинчиси сиз айтган наманганлик Мўминжон Абдуллаев. Бундан ташқари, Ғарбий Германия ва Италияда ҳам икки йигитимиз бор деб эшитганман.

**— Сизларнинг хорижий журналистлар олган тутқунликдаги суратларингизни юртимиз рўзномаларида чиқарсак, розимисизлар?**

— Биз бундан жуда ҳам хурсанд бўламиз. Бегона юртларда жудоликда, айрилиқда қолган ўзбек йигитларини кўришсин.

**— Режаларингиз қандай? Ўзбекистонга қайтиш ниятингиз борми?**

— Хорижий мамлакатлардаги яшаш шароитимиз ҳар қанча яхши бўлмасин, биз барибир, киндик қонимиз тўкилган она юртимиз Ўзбекистонда, ота-онамиз бағрида, дўсту ёрлар ёнида яшашни истаймиз. Бироқ, минг афсуски, ҳозирча биз Ўзбекистонга бора олмаймиз, чунки ҳукуматимиз биз жафокашларни ҳимоя қилиш даражасида эмас. Хабаримиз бор, Горбачев Афғонистондан Совет Армияси қўшинларини чақиртириб олгандан кейин биз каби собиқ аскарлар учун афв (амнистия) эълон қилди. Аммо биз бунга ишонмаймиз, чунки тузум етарлича ўзгаргани йўқ...

●

**Совет Армияси Афғонистондан чиқаётганда, қўмондон В. Громов Термиздаги Ҳайратон кўпригидан ўтиб, «Ортимда офицер ва аскарлардан ҳеч ким қолмади!» дея ҳукумат бошлиқларига ҳисобот берганди. Таассуфки, ўшанда генерал нотўғри гапирганди. Унинг ортида кўплаб совет аскарлари, шу жумладан, ўзбек йигитлари қолганди. Юқорида биз озодликка чиққан фақат уч ўзбек аскари ҳақида ҳикоя қилдик. Афғон мужоҳидлари қўлида яна қанча аскарларимиз борлигини эса шу кунгача ҳеч ким аниқ билмайди. Совет матбуотида уларнинг сони уч юздан ортиқ деб ёзиляпти. Чет эл матбуотида эса бу рақам анча кам деб кўрсатилмоқда.**

## МУЖОҲИДЛАР АСИРЛАРНИ АЛМАШТИРИШМОҚЧИ

АҚШнинг Ассошиейтед Пресс агентлиги шу йил 8 июль куни «Мужоҳидлар асирларни алмаштиришмоқчи» сарлавҳали хабар тарқатди. Бу хабар хорижий матбуот воситалари томонидан бир неча тилларда турли рўзнома-ойномаларда эълон қилинди.

Агентлик Покистоннинг Пешовор шаҳридан юборган маълумотга кўра, мужоҳидлар Нажибулла ҳукуматига мурожаат қилиб, асирларни алмаштиришни таклиф қилган, ҳар бир совет аскарига Нажибулла бошлиқ ҳукумат армияси томонидан асирга олинган йигирма беш мужоҳид аскарини алмаштиришга рози эканлигини айтган. Улар авваллари ҳам худди шундай шартни бир неча бор ўртага қўйишган эди. Бироқ Ассошиейтед Пресснинг гувоҳлик беришича, бу иш ҳозирча фақат икки марта — 1989 йили амалга ошган.

«Афғон қаршилик кучларининг (мужоҳидларнинг — **Х. И.**). таъкидлашича, — деб ёзади Ассошиейтед Пресс, — ҳозир уларнинг қўлида элликдан то етмиш бешгача совет аскарлари асирликда ушлаб турилибди».

Айни пайтларда мужоҳидлар етти йилдан бери асирликда сақланаётган 30 ёшли собиқ совет аскари Қурбон Алини алмаштиришмоқчи. Қурбон Али «Жабҳа Шаҳид Афзалий» номли мужоҳидлар қўлида аввал Ҳиротнинг шимолий-ғарбий қисмида, кейинги вақтларда эса Покистон яқинидаги мужоҳидлар лагерида сақланаяпти. У тожик йигити бўлиб, қаерданлиги айтилмайди.

Кишини бир нарса қаттиқ изтиробга солади: асирликдан ҳали озод этилмаган ҳамда чет мамлакатларда кун кечириб, Ватанга кўз тикиб юрган, бироқ келишга юраги бетламаётган собиқ аскарларимиз тақдири билан ким қизиқади? Россиянинг дом-дараксиз кетган фарзандлари тақдири ўзига етади. Бошқа жумҳуриятларнинг ташвишлари ўзлари билан. «Ўзинг учун ўл, етим» бўлган бир даврда собиқ ўзбек аскарлари тақдирини ўйлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш ўз бурчимиз эмасми?!

Дунёни ларзага солган август ойининг уч куни барча жумҳуриятлар қатори Ўзбекистондаги тузумни ҳам ўзгартириб юборди. Шояд, энди турли мамлакатларда қолиб кетган собиқ аскарларимиз мустақил юртимизга ҳадиксирамасдан кириб келишса. Шуни назарда тутиб, мақола ниҳоясида Ғайрат Ҳасанов ва Акром Файзуллаевнинг яшаш манзилини эслатиб ўтмоқчиман. Балки бирор имонли ватандошимиз уларнинг тақдири билан қизиқар, покиза ёшликларида кўрган даҳшатли кунларини бир оз бўлса-да, унутишларига ёрдамлашар, балки бизда шарт-шароитлар ўзгарганлигига, яна инсонпарварлик сари юз бура бошлаганимизга уларни ишонтирар:

**Ғайрат Ҳасан, Акром Файзулло. 9878 Свинт Минт Драйв Виенна, УА, Виржиния 22181, АҚШ**

**Вашингтон—Блумингтон**
**1991 йил, август**

# РАСМИЙ ЖАВОБ

Самарқанд вилояти, Пахтачи район Калинин номидаги жамоа хўжалигидан бир гуруҳ меҳнаткашлар редакциямизга шикоят хати йўллаб, хўжалик фаолиятидаги чалкашлик ва давлат маблағини талон-торож қилингани ҳақида ёзишган эди.

— Ушбу хат бўйича текшириш ўтказилди, — деб хабар қилади Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати қўмитаси раисининг ўринбосари А. Руденко, — Самарқанд вилояти Халқ назорати қўмитаси жамоа хўжалигида шикоятчилар иштирокида тафтиш ўтказилганда аризада келтирилган нуқсонлар асосан тасдиқланди.

Самарқанд вилояти Халқ назорати қўмитаси текшириш якунларини ўз йиғилишида муҳокама қилган ва ундаги фактлар тергов ишларига алоқадор бўлганлиги учун текшириш материалларини вилоят прокуратураси, шунингдек, Пахтачи район халқ депутатлари кенгашига чора кўриш учун юборган. Тергов олиб борилмоқда.

# ТЎРТОВЛОН ТУГАЛ БЎЛСА...

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ**

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ эълон қилинганига бир ойдан ошди. Шу вақт ичида кечган воқеаларни кузатиш, турли тоифа, ёш ҳамда касбдаги одамлар билан суҳбатлашиш жараёнида хаёлимдан турфа фикрлар кечди, ўзимча айрим хулосалар чиқардим.

Аввало шу тарихий воқеа рўй берган кун— 1991 йилнинг 31 августи сира эсимдан чиқмайди. Ўша куни Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида ўтириб шу қадар ҳаяжонланар, тўлқинланар эдимки, ўзимни қўярга жой тополмасдим. «Наҳотки? Наҳотки шу рост бўлса?..» дея қулоқларимга ишонгим келмасди.

Бу улкан байрам, тарихий воқеа у қадар шов-шув, катта шодиёна билан нишонланмади, одатдаги байрамлар қатори ўтиб кетди. Менинг назаримда, бунинг асосий сабаби бир жиҳатдан мустақилликнинг асл моҳиятини ҳаммаям бир хилда тўла тушуниб етмаганидан бўлса, бошқа тарафдан одамлар йиллар давомида ҳар хил қонунлару қарорларни ўқийвериб, аммо уларда айтилган гаплар деярли амалга ошмай қолиб кетаверib, қарорларга нисбатан бефарқ бўлиб қолганларининг оқибатидир. Ҳолбуки, мустақиллик ҳақидаги қонун бошқа ҳужжатлардан тубдан фарқ қилади. Буни ҳаммамиз чуқур ҳис этишимиз, тушунишимиз, қадрига етишимиз керак.

Ўша куни ва ундан кейин ҳам озарбойжонлик Ашраф Иброҳимов деган ёзувчи дўстим билан ўтган суҳбатни такрор-такрор эсладим. Ашраф 1979 ва 1980 йилда Тошкентга келган эди. Икки гал ҳам меҳмонхонада турмай, бизнинг камтарин хонадонимизни маъқул кўрганди. У билан узоқ-узоқ суҳбатлашганмиз. Дунёда биз ҳал қилмаган муаммо гўё қолмаганди ўшанда. Шу суҳбатларнинг бирида Ашраф чуқур оҳ тортиб, дардини баён қилганди. «Жумҳуриятимни, халқимни мустақил, озод бўлганини кўриш — менинг энг катта орзум. Шу кунларга етаманми-йўқми — билолмайман. Шуни кўриб ўлсам, бу дунёдан беармон кетардим. Лекин мен кўролмасам керак, болаларим кўрсаям, майли эди...» деганн ёдимда.

Очиғи, орадан ўн-ўн бир йил ўтиб жумҳуриятларимиз мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатишига ўша пайтда на Ашраф, на мен ишонгандик, бундай фикр хаёлимизга ҳам келмаганди. Не бахтки, бугун ўша орзуларимизга маълум маънода етиб турибмиз.

Ҳа, ҳар қанча қувонсак, суюнсак арзийди. Зотан, халқимизнинг қарийб бир ярим асрлик орзуси ушаладиган кун келди. Бинобарин, озодлик, мустақиллик сари биринчи қадамни ташладик. Бу қадамимиз ҳаммага ҳам бирдай ёқавермайди, ҳаммаям қучоқ очиб, очиқ чеҳра билан кутиб олаётгани йўқ. Мустақилликка чиқишимизни истамаётганлар оз эмас. Москва газеталарининг гоҳ унисида, гоҳ бунисида Ўзбекистон ҳақида, бу ерда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ёлғон-яшиқдан, туҳмату бўҳтондан иборат мақолалар пайдо бўлаётгани бежиз эмас. «Московские новости», «Комсомольская правда», «Известия» каби газеталар одамларда турли кайфият уйғотадиган, аниқроғи, соддадил, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган одамларни чалғитадиган мақолалар босаётир. Бу мақолаларни синчиклаб ўқиган ҳар бир эс-ҳуши жойида, ақли бутун одам улар ҳасадгўйлик, ичи қоралик руҳида ёзилганини сезади. Шарқ халқларида, жумладан, бизнинг халқимизда ҳасадгўйлик, ичи қоралик, бировнинг ютуғини кўра олмаслик энг катта гуноҳ сифатида қораланган, бунга ружу қўйганларнинг бир умр косаси оқармаган. Шарқнинг буюк шоири Мирзо Бедилнинг бир рубоийси ёдга тушади:

**Дили ҳасад тўла, ичи қоралар,**
**Доим туҳмат ила покни қоралар.**
**Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўр,**
**Шамдонда барча ис шунга ўралар.**

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ, УНИНГ РАҲБАРЛАРИ ва халқимиз шаънига туҳмат тошларини отаётган ҳасадгўйлар барибир бир куни ўз жазосини оладилар. Бироқ уларнинг бу қилмишлари одамларнинг асабига тегади, асосий ишдан чалғитади, соғлиғига путур етказади. Аслида уларнинг асосий нияти ҳам шу. Бунинг оқибатида ўлкада парокандалик бўлса, одамлар турли гуруҳларга бўлиниб бир-бирини ғажиса... Оқибатда мустақиллик сари ташланган қадамимизни давом эттиролмасак. Улар эса, «булар ўзини-ўзи эплолмайди», деб устимиздан кулишса... Мана шу керак уларга.

Йўқ, уларнинг бу хаёллари ҳавойи, бўш. Халқимиз ўз бошидан қанча-қанча оғир, машаққатли кунларни ўтказмаган. Доро, Искандар, Чингиз каби не-не фотиҳлар тупроғимизни яксон қилиб, халқимизни ғулом этмакни орзу этганлар. Тилимиз, эътиқодимиз, ёзувимиз неча бор ўзгартирилган. Аммо халқимиз ҳамиша ўзлигини йўқотмаган, маълум чекинишлар, инқирозлар бўлгани тўғри, лекин умуман олганда халқ ўзлигича қолган, йўқолган, топталган маданиятини, урф-одатини, қадр-қимматини яна тиклаб олаверган. Узоққа бормайлик, шу асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидаги хунук воқеаларни эслайлик. Сталин қатағонлари ҳақида кўп гапирилди, ёзилди, мен уни яна қайтармоқчи эмасман. Сталиннинг бизнинг халқимизга ва умуман туркий халқларга нисбатан қилган энг катта гуноҳ ишларидан бирини эслатмоқчиман. Бу—ёзувимизнинг ҳадеб алмаштирилаверишидир. Араб алфавитидан лотинчага, кейин кириллицага ўтдик. Демак, халқ икки марта бошдан-оёқ саводсизга айланди. Ахир янги алфавитга ўтиш, уни дарҳол ўзлаштириш осонми? Хусусан, ёши ўтиб қолганлар учун бу нақадар машаққатли иш экани ҳаммага маълум-ку. Сталин буларни биларди, билиб, ўйлаб қилди бу ишни. Унинг мақсади халқларни ўз тарихидан, ўтмишидан ажратиш эди. Шунга эришди. Алфавит ўзгариши натижасида биз Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат, ҳаттоки Қодирий, Ҳамза, Сўфизода, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир асарларини ҳам асл нусхада ўқиёлмайдиган бўлиб ўтирибмиз.

Муборак 550 йиллигини нишонлаганимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини аслини ўқиёлмай, унинг мағзини чақолмай, назмдан насрга кўчириб, ўз савиямизга мослаб ўқияпмиз. Бу гаплар юзаки қараганда, арзимас нарсадай туюлиши мумкин. Аслида эса, бунинг тагида жиддий муаммо ётипти. Ахир, ўйланг, ўз бобомизнинг асарларини ўқиёлмасак фожиа эмасми? Ўз она тилимизда ёзган Алишер Навоийники ўқиёлмаганимиздан кейин Беруний, Ибн Сино асарларини қандай қилиб ўқийлик. Ваҳоланки, улар бизнинг ўқ илдизларимиз.

Тарихи йўқ халқнинг тили қисиқ бўлади. Сталин бизни ана шундай тили қисиқ, дасти калта халққа айлантирмоқчи бўлди. Оқибатда, биз муте бўлиб қолдик. Ўтмишда саводсиз эдинг, деса, ҳа биз саводсиз эдик, деб турдик. Биз сизларга маданият олиб келдик, деса, тўғри, раҳмат, деб қуллуқ қилдик. Бу фикрга қарши фикр айтганнинг тили кесилди, бош кўтарганнинг боши кетди. У олим бўладими, ёзувчи-шоир ёки партия ва давлат арбоби бўладими — барибир, бир хилда халқ душманига айланди.

Шу сатрларни ёзаяпману қалбим ғурур, ифтихор, қувонч ҳисларига тўлалигини тобора ҳис этиб бораяпман. Ахир, йигирманчи, ўттизинчи йиллар у ёқда турсин, бундан ўн йил, беш йил олдин бу гапларни ёзиб матбуотда чиқариш нари турсин, ўзаро давраларда ҳам ўйлаб гапирардик-ку...

БИЗ ЧЕККАН ЖАФОЛАРДАН бошқа мусулмон халқлари ҳам «бенасиб» қолмаганлар. Қозоқ, қирғиз, тожик туркман, озарбойжон, татар, қримтатар, бошқирд халқлари шу жабру жафоларни бошидан кечирдилар. Бордию бутун мамлакат бўйича ягона алфавит жорий этмоқ ниятида шундай қилингандир десак, у ҳолда нега грузин ва арманларнинг, Болтиқбўйи халқларининг алфавити ўзгармади? Ҳолбуки, озарбойжон билан грузин ва армани ёнма-ён, яъни девор-дармиён қўшни-ку. Демак, Сталиннинг болғаси биринчи бўлиб мусулмон миллатлари бошига тушди, уларнинг тарихан бой маданий ва маънавий меросини топтади. Содда қилиб айтганда, болани отадан, укани акадан жудо қилди. Бинобарин, лотин алфавитига ўтмасдан аввал бу халқларнинг ёзуви бир хил эди, улар бирбирларининг асарларини бемалол ўқиганлар, таржимон ва таржимага ҳожат бўлмаган. Ривожланган социализм даврига келиб бир-биримизнинг китобларимизни учинчи тил орқали таржима қилишга, бир оилага мансуб тилли халқлар бўлишимизга қарамай, бир-биримиз билан рус тили орқали сўзлашишга одатландик.

Аҳвол шу даражага етиб бордики, тилимизни қонун йўли билан ҳимоя этишга мажбур бўлдик. Ҳолбуки, Ўзбекистонми, демак бу ерда давлат тили ўзбек тили экани аксиома бўлиши лозим. Бироқ шу қонун чиқишига, унинг моддаларида қайд қилинган вазифаларни бажаришга норози, наинки норози, иложини топса, қаршилик қиладиган одамлар қанча. Бундай кишилар бошқа миллат вакилларидан бўлса унча ажабланмаймиз, тушунамиз, лекин ўз миллатдошларимиздан баъзилари шу қараш ва фикрда экани одамга алам қилади. «Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши одамларнинг қорнини тўйдирадими, эгнини бутлайдими?», «Ўзбек тилини ўрганган билан нимага эришиб бўлади?» деганлар бор. Мана, тушунчаю, мана, савия. Бу фикрларни ортиқча шарҳлашга эҳтиёж йўқдиру, аммо бир нарсани эслатиб ўтишни жоиз деб биламан. Ўзбек тилини ўрганиш дегани бошқа тилларни ўрганмаслик керак, дегани эмас-ку. Қани, иложи бўлса, рус тили билан бир қаторда инглиз, француз, араб, испан, грузин, немис ва ҳоказо тилларни ўргансак. Тил билмай жаҳон миқёсига чиқиш қийин. Хусусан, энди — мустақил давлат бўлганимиздан кейин бунинг аҳамияти жуда катта. Шу боис жумҳуриятимизда бу борада бир қанча ибратли ишлар қилинди ва у изчил давом эттирилмоқда. Аммо уларнинг биронтасиям ўзбек тилининг ҳисобига бўлмаслиги керак. Аввал она тилини, кейин истаган тилларни ўрганайлик.

Бу гапларни айтишдан мурод, мустақиллик биз учун сув билан ҳаводек зарурлигини яна бир бор таъкидлашдир. Мустақиллик сари бормаганимизда яқинда Тошкентда ўтган дунё ўзбеклари (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви каби анжуманлар уюштира олармидик. Бу учрашувда айтилган гапларни лоқайд эшитиш мумкин эмасди. Президентимиз Ислом Каримов табригидаги, Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, шоир Эркин Самандаров маърузасидаги, сўзга чиққан нотиқларнинг фикрлари шу юрт, шу тупроқ, шу диёрнинг фидойиси бўлган ҳар бир инсон учун нечоғли қадрли. Турли мамлакатлардан келган юртдошларимизнинг вакиллари ўзаро фикрлашиб, дардлашиб ватанимизнинг, халқимизнинг бугуни, келажаги ҳақида қайғурдилар. Бу воқеаларни кўриш, фикрларни эшитиш инсон боласининг қалбини чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари ила лиммо-лим этади. Ҳолбуки, яқин-яқингача чет эллардаги ватандошларимизни ёппасига душманга, хоинга чиқариб келдик, уларнинг дарду ҳасратларини, ният-орзуларини эшитишни истамадик, ёвқараш қилиб юрдик. Дунёга сочилган эл бугун бир жойга тўпланиб, фикрни бир жойга қўйиб, муштини бир ерга уриб, ягона мақсад — ўзбек халқи манфаати учун жон куйдирмоқда.

Бу мустақиллигимизнинг илк самаралари эмасми?

ЭНДИГИ МАСАЛА ана шу мустақиллигимизни ҳимоя қилишимиздан, мустаҳкамлашимиздан иборат. Бу осон эмас, албатта. Бунинг учун диёримизда яшовчи ҳар бир киши ўзининг ҳиссасини қўшиши, якдил, ҳамкор ва ҳамфикр бўлиши керак. Миллати, дини, касбидан қатъи назар, бир мақсад сари интилиши, турли майда-чуйда гапларга, ҳар хил гина-кудуратларга чек қўйиш зарур. Жумҳуриятимиз президентининг ўзбекларнинг биринчи халқаро учрашувида айтган қуйидаги гапларини эслатиб ўтишни ўринли деб биламан: «Биз яхши тушунамизки, ҳеч қайси тузум, ҳеч қандай ҳокимият шундай улкан, қимматбаҳо хомашёни арзонгина етказиб берадиган, аслида мустамлака ҳолига тушиб қолган юртни ўз хоҳиши билан осонликча қўлдан чиқармайди. Буни биз ҳаммамиз яхши англашимиз зарур.

Биз ўз кучимизни яхши биламиз, ўз халқимизга ишонамиз. Биз тинчлик ва осойишталик тарафдоримиз ва фақатгина тинчлик йўли билан, бирорта инсоннинг бурнини қонатмасдан ўз мақсадларимизга эришишга ҳаракат қиламиз ва ўз ниятимизга етамиз, иншоолло!

Бундай олий мақсадларга эришишнинг, халқимизга фаровон ва тинч-тотув турмушни таъминлашнинг, менинг фикримча, битта ягона шарти бор, у ҳам бўлса — биз ҳаммамиз, аввалambор ўз халқимиз, ўз миллатимиз бир тан, бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда курашишимиз, меҳнат қилишимиз зарур».

Бу гапларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бироқ гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда турли фикрларни, одамларни тўғри йўлдан оздиришга интилувчиларни эшитиб, кўриб қоламизки, бундан афсус чекамиз. Ахир ҳаммамизнинг ниятимиз тилимизни ҳимоя қилиш, жумҳуриятимиз мустақиллигини таъминлаш эмасмиди? Мавжуд қийинчиликларни, муаммоларни пеш қилаверган билан иш битмайди-ку. Четдан туриб танқид қилавериш осон, аммо муайян вазифани бажариш қийин. Қолаверса, бу қийинчилигу муаммоларни бирданига бартараф этишнинг ўзи бўлмайди. Жумҳуриятимиз етмиш йил давомида кўзга кўринган ва кўринмаган сон-саноқсиз занжирлар билан чамбарчас боғлаб ташланганини, бу занжирларни бир-икки ҳамла билан парчалаб юбориш осон эмаслигини тушунишимиз керак-ку.

Ўзбекистон газеталарини ўқиманглар, ҳаммаси ёлғон, Москва газеталарини ўқинглар, улар фақат рост гапни ёзади, дегувчилар топилади. Бутун бир жумҳуриятдаги жамики рўзномаларни ёлғончига чиқариш инсофданми? Ҳар бир рўзнома ёхуд муайян мақола ҳақида фикр юритилса — у бошқа гап. Қолаверса, Москва рўзномалари қанчалар рост гапни ёзаётганини «Известия», «Комсомольская правда», «Мегаполис экспресс», «Московские новости» нашрларида эълон қилинган Ўзбекистон ҳақидаги мақолалар орқали кўрдик-ку.

МЕН ЯҚИНДА САМАРҚАНД, СУРХОНДАРЁ вилоятларининг бир неча туманларида бўлиб, турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлашдим. Улар осойишталик, хотиржамлик, тинч меҳнат тарафдори. Турли шов-шувлар, йиғилишу митинглар уларни чарчатган. Жумҳуриятимиз раҳбарлари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан улар хурсанд. Фақат нарх-навонинг ошгани, бунинг устига баъзи савдо ходимлари нарсаларни, хусусан, ноёб молларни ўзи истаган баҳода сотаётганидан, бу нарса қаттиқ назорат қилинмаётганидан ранжимоқдалар, холос. Мана шундай олағовур, мураккаб даврда ўз манфаатини ўйлаб, ҳеч нарсадан қайтмайдиган айрим юлғичлар сал инсофга кирсалар, диёнат деган нарсани эсдан чиқармасалар тузук эди. Бундай нотўғри хатти-ҳаракатлар одамларда турли норозиликлар уйғонишига сабаб бўлади.

Бунга йўл қўймайлик, ҳар биримиз ўз соҳамизда тартиб, осойишталик бўлишига ҳаракат қилайлик...

Мустақилликнинг машаққатли йўли энди бошланди. Бундан чўчимаслигимиз зарур. Бугун қийналармиз, кимларнингдир таъна-дашномларига, туҳмату иғволарига қолармиз, аммо эртага ҳаммаси изга тушишига, мустақилликнинг ҳақиқий нашидасини суришимизга ишонаман. Бунинг учун, яна такрорлайман, ҳамжиҳатлик, жипслик зарур, бундай туйғулар бизга энди ҳар қачонгидан кўра керак ва муҳим. Тўртовлон тугал бўлса — унмаганин ундирар, олтовлон ола бўлса — оғзидагин олдирар, деган нақл бор халқимизда. Шуни ҳаммамиз ҳеч қачон ёдимиздан чиқармайлик.

Карим БАҲРИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши аъзоси

# БУГУН МАДАНИЯТНИ ҚУТҚАРИНГ

## ЭРТАГА У СИЗНИ ҚУТҚАРАДИ



**РИВОЯТ: Узун кечаларда айвонга чиқиб олис юлдузларга термулганимда: «Шу милтир юлдузлардан нарида нима бор экан?» — деб ўйлардим. Балким яна юлдузлар бордир. У юлдузларнинг ортида-чи? Нима бор экан? Энди биламан — қоронғулик бор, чексиз-тубсиз зулмат бор... Қоронғулик излаб, юлдузлардан нарига бориш шарт эмас — уйингиздаги чироқни ўчирсангиз бас, ҳаммаёқ зим-зиё бўлади, дарҳол зулмат етиб келади чироқлари ўчган юртларга.**

**Улуғ файласуф Умар Ҳайём биздан ҳам олдин ер бор эди, биздан кейин ҳам қолади, деган экан. Менга туюладики, дунё улкан бир қабристондир, ахир минг йиллар бўйи одамларни ерга кўмганлар, бугун ҳам кўммоқдалар, эртага яна кўплаб кўмадилар... Заминда одамзод суяклари бир неча қатлам бўлса керак.**

**Ана шу қоронғу қабристон-дунё кенгликларида имонли, тирик одамлар шамлардай унда-бунда куйиб ётадилар. Шунинг учун инсон ўлганда дунё ногоҳ қоронғулашади.**

**Чўлпон ҳалок бўлган куни Туркистон узра оғир зулмат чўкди. Бугунгача юртнинг ўша чекини қоронғу босиб ётибди. Чўлпон каби ёна оладиган фарзандлар туғилса, юрт ёришади... Кўнгиллар ёришсагина юрт ёришади, кўнгилни ёритадиган нур эса тафаккур ёғдуси, маданият шаъмидир. Буюк асарлар колхоз, совхоз бўлиб ёзилмайди, уларни даҳолар ёзадилар...**

Уч йил аввал Шарқий Оврўпо мамлакатларида саёҳатда бўлгандим. Польшадан Олмонияга ўтишимиз билан ғаройиб бир аҳволга тушдик. Гарчанд йўл четида, «Озода бўлайлик!» шиори бўлмаса-да, йўллар чиннидай тоза, гулларнинг баргидан шабнам учиб улгурмаган. Одамлар-чи?! Одамлар бирам хушмуомала, сиз туртилиб оёғини босиб олсангиз ҳам у узр сўрайди. Ҳар икки гапнинг бирида: «Бит-тэ», «Плиз» — «Марҳамат», «Жоним билан», — деб туришади. Сўкишиб, дарғазаб бўлиб турган бирор кимсани учратмадим. Айтишингиз мумкин: «Уларнинг дўконида ҳамма нарса бор, магазинлар молга тўла бўлса, нега дарғазаб бўлсин?!» Хато қиласиз. Сиз ўйлайсизки, уларда яшаш осон, уч қулоч чит, икки кило шакар излаб биздай сарсон бўлсалар, хушмуомалаликдан асар ҳам қолмасди, сиз ўйлайсизки...

Йўқ, уларда ҳамма нарса борлиги учун улар хушмуомала эмаслар, аксинча, улар хушмуомала бўлганликлари учун уларда ҳамма нарса бор, уларнинг кўчалари тоза бўлгани учун улар тартибли эмас, аксинча, улар тартибли бўлганлари учун кўчалари тозадир. Сизни ишонтира олдимми? Кенгроқ мулоҳаза юритайлик. Бизда ҳеч нарса йўқлиги учун биз маданиятсиз эмасмиз, биз маданиятсиз эканимиз учун ҳеч вақо йўқ. Бизда ҳеч вақо йўқлиги учун ўғрилар кўп эмас, бизда ўғрилар кўплиги учун ҳеч вақо қолгани йўқ, халқ очлиги учун пораҳўрлар кўп эмас, аксинча бизда пораҳўрлар кўплиги учун халқ очдир... Бугун мен дунёнинг бир тилсимини билганга ўхшайман.

Хун бўлиб кетасан: яхши қонунлар бор, адолат ваъда қилаётган ҳокимлар бор, фармонлар бор... Нега яшаш кундан-кунга қийинлашмоқда? Ишлаб чиқарувчи корхоналарга эркинлик берилди, тадбиркорлик қонунлаштирилди, хоҳлаганлар томорқа олмоқда... Нега фаровонликдан асар ҳам йўқ? Менинг назаримда, биз маданиятимизга чап кўз билан қараб келаётганимиз учун оммавий чаласаводлик, маърифатсизлик ва унинг оқибатида юзага келган қаллоблик, пораҳўрлик, иккиюзламачилик авжига чиқди, энди биз заминни шу иллатлардан тозаламай бу элни иқтисодий бой қила олмаймиз. Ўз пайтида 1866 йилги Австрия-Пруссия урушида пруссиялик мактаб ўқитувчиси ғалаба қилди, деган ибора машҳур эди, яъни пруссиялик аскарлар мактабда яхши ўқигани учунгина Пруссия давлати урушда ғолиб келди. Биз мактабларимизга — маорифга эътибор бермас эканмиз, иқтисодга сарфлаган харажатларимиз беҳуда кетаверади, чунки чаласавод ишчи ясаган бузуқ машина ҳам дўкон пештахтасига келиб тушмайди, зеро уни йўлдаёқ ночор мактабимизни битирган «чаққон», «ўқувчи» ўмариб кетади.

Миллий маданият, шарқий маънавият, ўзбекона ғурур тикланмас экан, давлат иқтисоди ҳам қад ростлай олмайди. Айтишларича, Саудияда пулингизни йўлда тушириб қолдирсангиз, ўн кундан кейин ҳам биров тегмас экан. Чунки Саудияда кимнингдир пули йўқолибди, деган гап бутун халқнинг номига иснод келтиришини ҳар бир араб билади. Бироқ бизнинг «Пахтакор»» футбол командаси ўйинчилари, дейлик, москваликларга ютқазганда, ўша куни бир стадион тўла ўзбек бошини эгиб чиқишини, ўша кеч ойнаи жаҳон қаршисида ўтирган йигирма миллион ўзбекнинг кўнгли чўкиб, боши эгилишини ўйламайди. Ўйласа, дурустроқ ўйнарди. Институтга пора олиб талаба киргизаётган ўзбек домласидан тортиб, газета сотаётиб уч тийин «юлиб» қолаётган ўзбек дўкондоригача ўзбек халқига обрў келтирмаётганини билиб олиши керак. Миллий ғурур тиклансин, ахир.

Бир вақтлар Москва журналларида «ўзбеклар пораҳўр», деган гаплар босилганда мен ҳам уларга қарши: «Москвада пораҳўрлар биздагидан кам эмас, бизда пораҳўрлар бошқа ерлардагидан кўп эмас!» — деб ёзгандим. Бу бир норози кўнгилнинг эътирози эди, холос. Бугун айтиш керакки, бундай мақтанчоқликнинг вақти ўтди. «Сизда қаллоблик биздагидан кам эмас!» — демоқлик: «Бизда ҳам қаллоблик сиздагидан кам эмас, биз ҳам қаллобликда сиздан қолишмаймиз! — демоққа тенг, умуман бу мақтанадиган иш эмас. Бугун Иттифоқдан қутулган жумҳурият мустақилликка даъвогар экан, шўро даврининг «мероси»дан пораҳўрлик, ўғрилик, чаласаводлик — маънавий қашшоқликдан ҳам мустақил қутулмоғи керак. Бу «мерос» билан узоққа бориб бўлмайди.

МАДАНИЯТ ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ, дейишади. Лекин маданиятни ким қутқаради? Агар бугун жамият маданиятни асраса эртага, фақат эртага маданият жамиятни асрайди. Унинг дарди кўп, яраси оғирдир...

Маданиятимиз бошига тушган оғир мусибатларни мен икки даврга бўлган бўлар эдим. **Биринчи давр Октябрь инқилобигача бўлган вақтни ўз ичига оладики, бу пайтда маданиятимизга қароқчиларча муносабатда бўлинди.** Темурийлар замонида ўзининг Уйғониш даврини бошидан кечирган маданиятимиз дунёнинг тўрт томонига довруғ таратган эди. Бу заминда осмонўпар миноралар қад кўтарди. Мадрасаларда талабалар диний ва дунёвий илмларни ўрганардилар, фалокиёт, ершунослик, кимё, табобатдан сабоқ олардилар. Гарчанд боболаримизни яқин-яқингача «саводсиз» деб келишган бўлса-да, биламизки, шу заминда энг мураккаб Алжабр-алгебра дунёга келган. Моворounнаҳр ҳунармандлари — хаттотлар, мисгарлар, кулоллар, гиламдўзлар, косиблар, меъморлар, наққошлар, заргарлар, темирчилар, чилангарларнинг шуҳрати сарҳадлардан ошган эди. Қолаверса, Темур империяси даврида жуда кўп моддий ва маданий бойликлар хазиналарга келиб тушди, нодир қўлёзмалар кутубхоналар жавонидан жой олди. Ўзининг қонуний, ҳуқуқий, маданий тизимига эга бўлган бепоён давлат юзага келди. Ва, табиийки, унинг ғанимлари пана-панада бойликларимизга кўз тикиб ётган бўлсалар-да, тажовуз қилишга ботина олмаган эдилар.

Афсуслар бўлсинким, вақт ўтиши билан Амир Темур қудрати ва заковати билан бунёд этилган мамлакат емирила бошлади. Бунинг қатор сабаблари бор, аммо асосийси — ноаҳиллигимиздир. Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳрор каби ҳазратларимизнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан «ворис»ларнинг ҳокимиятпарастлиги, очкўзлиги, калтафаҳмлиги оқибатида ҳар бир воҳа ўзини хонлик, деб эълон қила бошлади. Хонликларга бўлиниб кетаётган мамлакатни ғанимлар аста-секин талай бошладилар. Ўрислардан анча олдин мўғуллар, эронийлар, инглизлару даранглар човут солиб келдилар.

Аммо миллий бойликларимизни талон-тарож қилишда Рус империясининг олдига тушадигани бўлмади. Узоқ давр мобайнида чор Россияси аскарлари босиб олган ҳар бир шаҳарнинг кутубхоналари, хазиналари таланди, ўрис олимлари қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, муҳрлар, тангалар, антиқа буюмларни йиғиб, пойтахтларига жўнатавердилар. Жойларнинг ҳокимлари ва губернаторлари ҳам «билимдон» қароқчилар эди. Гиламлар, соплари дуру гавҳарлар билан безалган пичоқлар, заргарлик буюмларининг энг нодирларини қўлга киритдилар. Хонликларнинг кутубхоналари, хазиналари таланди, уларнинг қўлидан саройларнинг, минораларнинг ўзини кўтариб кетиш келмасди холос, ичи эса аёвсиз шилинди.

Москвада ўқиб юрган пайтларимда Санкт-Петербург (ўша пайтда — Ленинград) томошасига тез-тез бориб турардим ва сайру саёҳатларнинг энг завқлиси Давлат Эрмитажига ташриф эди. Албатта, ўша пайтларда маданиятимиз фожеасини бутун даҳшати билан тасаввур этган эмасдик. Фақат хаёлимиздан: «Мана шу амир тахтини нега Бухорога бориб томошо қилмаймиз? Нега Ўрта Осиё халқлари маданияти ва санъати тарихи музейига айланган Эрмитажнинг Шарқ бўлими Ўзбекистонда эмас, бу совуқ ўлкада?..» — каби фикрлар кечарди, холос.

Эрмитажнинг қароқчилик билан бойиш тарихига келгуси йилда 230 йил тўлади. Ўтган асрларни айтиб ўтилмаганда, шўро даврининг ўзидаёқ, то ҳозиргача таланаётган Осиё замини не-не бойликларидан айрилмади. Генерал Кауфман 1873 йилда Ўрис Жуғрофия жамиятига тақдим этган Хева хонларининг хазинаси — ўзи бир музей. Мен бу хазинадаги бир тўғноғични соатлаб томоша қилган эдим. XIX аср бошида ясалган бу тўғноғич узунлиги 11,6 сантиметр бўлиб, тиллодан ҳалланган кумушдан ясалган, олтин гардишли ҳақиқи бор, шодасига дур ва садаф тақилган эди. Балким, бизда дур ва садаф топилар, олтинимиз бор. Аммо XIX аср хевалик усталар қайтиб келмайдилар. Бу улардан ёдгорликдир.

Ер устидан ўмарилгани етмагандай, ер тагига ҳам қизиқишди. 30-йилларда археологик қазилмалар бошланди. Ўша пайтда топилган ноёб осори атиқалардан бири — Ўзбекистон ҳукумати эрмитажга совға қилган! — Термиз мавзеидаги Будда қадамжосидан топилган машҳур Айритом шарафасидир. Ўшанда Ўзбекистонда СССР ФА мухбир аъзоси А. Ю. Якубовский изғиб, кенг кўламда ковлашлар ўтказди. Зарафшон водийсидаги кўҳна шаҳарлар ва қасрлар ўрни қазилди, Самарқанд атрофидаги Талибарзу ва Кофирқалъа, Бухоро теварагидаги, Пойкент топилмалари, кўҳна Варахша шаҳристонидан топилган бебаҳо ёдгорликлар, қимматли буюмлар ва нафис деворий нақшу нигорлар эрмитажга оқиб бораверди... Урушдан сўнг СССР ФА мухбир аъзоси С. П. Толстов Хоразмда олиб борилган қазилмаларга — боболаримиз гўрига ўғирликча тушишга раҳбарлик қилди. Мана, бир неча йилдирки, эски Термиз ўрнидаги Қоратепа Будда ибодатхонаси (III—IV) қазилмоқда, Эрмитаж иштирок этаётир, Пойкентда қазиш ишлари такрорий бошланди...

Тарихимизни келгиндилардан қолган учтўрт синиқ сопол кўза билангина ўрганиш — чаласаводлик. СССРдан этак қоқиб кетиш керак эмас, этакни тўлдириб ўз мулкимизни ажратиб олишимиз керак.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҚАДДАС МУЛКИ бўлмиш Туркистон ўлкасининг маънавий, моддий, тарихий бойликлари бугун жаҳоннинг барча музейларидан жой олди. Бу сочилган мулкни йиғиштириб келиш лозим. Алмаштириш, сотиб олиш, адолат билан эгасига қайтариш орқали уларни асл юртига келтириш мустақил Ўзбекистон давлатининг бурчидир. Бу узоқ ва изчил сиёсатни талаб қилади.

**РИВОЯТ: «Маданият министри» деган иборани ҳазм қилолмайман. Бу «одоб-ахлоқ министри», «фаҳм-фаросат министри» деганга ўхшаш гапдир. Бутун бошли маданият министрлиги Мукаррама Турғунбоевадай битта рақс тушиб беролмайди, ёзувчилар уюшмасининг аппарати бригада тузиб ишласа ҳам Абдулла Ориповдай битта шеър ёзиб беролмайди, албатта. Мен бозордан бодринг сотиб олганда уни эккан деҳқон қайси партиянинг аъзоси экан деб ўйламайман. Тарвуз еб ўтирганда, унинг мазасига тарвуз эккан деҳқоннинг сиёсий дунёқараши таъсир қилади, деган хаёл кулгилидир. Худди шундай ижодкорни ҳам андозаларга солиш аввало жаҳолат белгисидир. Ҳаммани бир хил фикрлашга мажбур қилиб бўлмайди. Гарчанд буни энг юксак лавозимли зот хоҳласа-да. Балким, ҳаммани бир хил гапиришга мажбур этиш мумкиндир. Шунда ҳам ҳамма бир хил гапираётган, лекин ҳар хил ўйлаётган бўлади. Сизга бировнинг фикри ёқмаса, у билан дўст бўлманг, қизингизни унга эрга берманг, борингки, кўрганда саломлашманг, лекин у ҳам яшаши керак, у ҳам сиздай одам, фақат сиз хоҳлагандай фикр юритмайди.**

**Маданиятимиз мусибатларининг иккинчи босқичини жаҳолат замони, бадавийлик асри деса тўғри бўлади.** Бу инқилобдан кейинги даврдир. Илгариги Рус чоризмининг қароқчилик сиёсатини қайсидир маънода тушуниш мумкиндир. Улар буюк маданиятимизни тан олар эдилар, бу қимматли нарсаларни ўғирлаб, эгалик қилувчи босқинчилар, савдогарлар сиёсати эди. Аммо инқилобдан сўнг ҳокимиятга келган большевиклар маданиятимизни ҳам, халқ сифатида ўзимизни ҳам йўқ қилишга киришдилар. Инқилобдан олдинги чоризм ўзбекнинг уйини босиб, энг қимматли буюмини ўғирлаб кетган бўлса, большевизм бу уйга кўчиб кириб, ўз тартибини ўрнатди, салласини ечиб, ўзидай шапка кийдирди, «Шашмақом»ни эмас, «Интернационал»ни куйлашга мажбур қилди.

Фожеанинг улканлиги шундаки, аввал бир халқ иккинчи халқни босиб, талаган бўлса, энди мавҳум бир ғоя ҳамма халқларни талай бошлади. Янги тузумдан ўрисларнинг ўзи ҳам мислсиз озор чекди, черковлари бузилди, китоблари ёқилди, одамлар қурбонлиққа сўйилди. Бугунги кураш ўрис бюрократиясининг ўзбек демократиясига қарши жанги эмас, ўрис ва ўзбек бюрократиясининг ўрис ва ўзбек демократиясига қарши жангидир. Фалакнинг чархини кўрингки, энди биз ҳокимиятни ҳокимлардан, динни-дин пешволаридан, халқни — «халқ номидан» сўзлаётганлардан, аскарларни Мудофаа министридан ҳимоя қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Ҳокимият «халқ хизматкори» бўлиши лозим эди, аммо халқ ҳокимиятнинг қулига айлантирилди. Бугун жумҳурият Кремль империясидан озод бўлаётганда биз унинг «ёмон одатлари»дан ҳам озод бўлишимиз, шляпа кийган золимдан қутилиб, дўппи кийган золимга тутилмаслигимиз лозим. Шу пайтгача бу империяда маданиятга ўгай кўз билан қараб келинди, бугун озод Ўзбекистонда ишни маданиятга — маориф, санъат ва адабиётга муносабатни ўзгартиришдан бошлаш шарт.

Маданиятимиз мусибатларининг совет даври ҳақида гапирганда йўқотишларимизнинг бутун кўламини назарда тутиш керак. Унинг энг қаттол ғаними «ғоявийлик, синфийлик, ва партиявийлик назарияси» бўлди. Бутун маданият бир ғояга — «Коммунистик ғоя»га хизмат қилдирилди. «Инсоният тарихи — синфлар курашидир» — деган эди большевикларнинг доҳийси Ленин. Икки синф — икки маданият назарияси умуммаданиятнинг тинкасини қуритди. Гўё дунёда «буржуа маданияти» ва «пролетар маданияти»гина бор экан. Лениннинг сиёсий курашларни назарда тутган қарашларини кейинчалик энг нозик соҳаларга — шу жумладан маданиятга ҳам татбиқ этилди. «ВКП(б) тарихи қисқача курси»нинг тўртинчи бобида Иосиф Сталин шундай ёзган эди: **«Эски ғоя ва назариялар борки, улар ўз вазифаларини ўтаб бўлганлар ва жамиятнинг қолоқ кучларига хизмат қиладилар. Улар жамият ривожига халақит берадилар, унинг олға интилишига тўсқинлик қиладилар. Янги, илғор ғоялар ва назариялар жамиятнинг илғор кучлари манфаатларига хизмат қиладилар».** (История ВКП(б) Краткий курс. 1938 йил, 111-бет) «Эскилик сарқити» саналиб масжидларимиз бузилди, муқаддас китоблар гулханга ташланди, Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Усмон Носирлар отилди, Беҳбудийлар сўйилди. Ҳар бир асардан, ҳар бир ижодкордан икки маданият изларини ахтараверib тадқиқотчиларнинг миялари ғовлаб кетди. «Ғовлаган миялар»нинг даври келди.

Бундай қувғин узоқ давом этди. Чўлпон, Фитрат оқланиб, китоблари чоп этилди. Айни пайтда бугунги ижодкорларнинг бошига не кунлар солинди... Оқланиш учун отилиш керакмикан?

Албатта, бугун азобларнинг барчаси учун қасос олишга чақираётганимиз йўқ. Бизни не кўйга солганларини тушунмоқчимиз, холос. Маданий йўқотишларимиз изсиз кетмади. Не аҳволга тушганимизни билиш учун остона ҳатлаб кўчага чиқиш кифоя. Йўлаклар ифлос, кўчалар уйдим-чуқур. Одамларда ҳар куни чўмилиш имкони йўқ. Мен шунчаки «кундалик турмуш маданияти» ҳақида гапирмоқдаман. Кўчада, метрода, ишда бирорта ҳурсанд одамни учратмайсиз, ҳамма тунд, елкасини сиқиб, пилдираб ишга боради, пилдираб ишдан келади, на қўшни билан, на қариндош билан иши бор. Салом берсангиз ўқрайиб қарайди, гўё сиз кеча унинг уйини ўмариб кетгансиз. Қани, эй инсон, ўзбекчилигимиз маҳалладошлигимиз, юртдошлигимиз. «Бир муштдан урса, ўлдиради, бир тишламдан берса, тўйдиради», — дейишарди аҳиллигимиз ҳақида. Бугун бир муштдан уриб ўлдириши мумкин, лекин ярим тишлам ҳам бермайди. Қўполлик, ёлғончилик, ўғрилик, пораҳўрлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик авжига чиқди, улар ўзбекнинг кушандасидир.

**РИВОЯТ: Айтишларича, америкалик мактаб ўқувчиси билан совет мактабининг ўқувчиси «Артек» пионер лагерида учрашиб қолишибди. Апельсин еб ўтирган америкалик болакай совет ўқувчисидан сўрабди: «Сизларда ҳам апельсин борми?», «Йўқ, — деб жавоб берибди бизнинг ўқувчимиз. — Бизда апельсин йўқ, аммо социализм бор!» «Бэ-э, нима бўпти? Керак бўлса, биз ҳам Америкада социализм қуришимиз мумкин»?, «Унда сизларда ҳам апельсин бўлмайди». Шунақа гаплар...**

Биз шундай жамият қурдикки, бу ерда бойларни ёмон кўришади, камбағалларни мақташади. Камбағални яхши кўриш эмас, унга ачиниш керак, бой бўлиши учун шароит яратиш лозим. Сингапурнинг ҳукумат раҳбаридан: «Нега мамлакат бирданига фаровонлашиб кетди, сабаби нима?» — деб сўраганда, у шундай жавоб берди: «Бунинг уч сабаби бор: 1) астойдил меҳнат; 2) ҳақиқий таълим-тарбия; 3) ҳалол ҳукумат».

Одамларнинг дангаса бўлиб кетгани ҳаммамизга аён. Биз чет элликларга ҳавас қиламиз, лекин улар жуда қаттиқ меҳнат қиладилар. Бир хорижлик журналист кулиб гапириб берган эди: «Ҳайронман — сизлар ўзбеклардай ишлаб, японлардай яшашни хоҳлайсизлар!» Ҳа, японлардай яшаш учун японлардай меҳнат қилиш керак. Ва Япониядагидай ҳукумат ҳам лозим.

Японияни гапираётиб, бир сибирлик дўстимнинг ҳикоясини эсладим. Айтишича, япон ҳарбий асирлари энг ифлос хандақ қазиш ишларига ҳам тоза, оҳорли оқ кўйлак кийиб чиқар, белларига оппоқ сочиқ тугиб олар эканлар. Улар озод этилгач, баракларни тозалашга боришибди. Чунки бизнинг маҳбусхоналардагидай ахлат уюмлари, деворларга уят сўзлар ўйиб ёзилгандир деб ўйлашган-да. Қарашса, поллар ярқирайди, оппоқ деворларда японча табиат манзаралари... Қамоқхона комендантининг айтишича, япон асирлари баракка киришдан аввал... оёқ кийимларини ечар эканлар.

Сезяпсизми, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Японлар ҳатто асирликда ҳам инсоний қиёфаларини йўқотмаганлар, биз эса икки дона совун топилмаса ҳаммани уриб-сўкишга тайёр бўлиб қолдик. Бизга қасдма-қасд совундан дарак йўқ. Совун эса биз уришишдан тўхтаб, ишлай бошласак, албатта, бўлади. Маданият мавзуига қайтайлик.

Маданиятимизга катта зарар етказган ақида Лениннинг «Санъат — халқникидир» иборасини жўн талқин этилиши бўлди. Маданият ҳаммага тегишли, аммо унга эга бўлиш учун миянинг зангини ювиб, ақлни ишлатиш керак бўлади. Навоийни тушуниш осон эмас, лекин шу қийинчиликдан эринмаган инсон ўзини бойитади. «Санъат — халқникидир», лекин халқ санъатга эга бўлиши учун ҳаракат қилиши керак, яъни «санъат — ақлини ишлатган халқникидир». Бизнинг буюк аждодларимиз, нодир китобларимиз бор, аммо улар ўқилсагина биз қалбан бой бўлишимиз мумкин. Улкан маънавий меросимиз бор, лекин унга «меросхўрлик варақаси» райижроқўмдан берилмайди, бу мерос ҳамма учун очиқ, фақат ўқинг, ўйланг, кўнгилга солинг...

Маданий эҳтиёжлар қашшоқлашиб кетди, айтиш мумкинки, таъб хиралашди. Навоийни ўқиш қийин, одамлар енгил шоирни ўқишмоқда. «Шашмақом»ни тушуниш оғир, одамлар «Дўлана-дўлана»ни тинглашмоқда. Бозор иқтисоди маданиятни савдогарлаштирмоқда, суюқ фильмлар енгил-елпи қўшиқлар, бозори чаққон маиший томошалар, фолбину экстрасенслар ҳақиқий маданиятни четга сура бошладилар. Шарқни қилич билан ололмаган Ғарб шу йўл билан забт этиши мумкин.

Фикри тиниқ кишилар бозор иқтисодиёти шароитида маданиятнинг ҳимоясиз қолиши хавфи борлигини сездилар. Маданиятни асрашга чақириқлар унда-бунда эшитилмоқда. Лекин сўздан ишга ўтиш керак. **«Ҳар бир одам жамиятнинг маданий ҳаётида эркин қатнашиш, санъатдан роҳатланиш, илмий тараққиётда иштирок этиб, унинг меваларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгадир»,** — дейилади Халқаро инсон ҳуқуқлари декларациясининг 27-моддасида. Ўз табиатига кўра маданият соҳасидаги муносабатларнинг заминида ижодкор шахси туради. Бу муносабатлар фақат тенглик асосида ривожланиши мумкин, бу ерда ҳокимликнинг фойдаси йўқ. Маданиятда бошқарувчи ва бўйсунувчи, хўжайин ва ўринбосар бўлиши мумкин эмас. Э. Воҳидов буйруқ асосида шеър ёзмайди. Ижодда буйруқбозлик ижод эркинлигини бўғади. Бу ижодкор билганини қилаверади, дегани эмас. Хўш, маданиятга қонун нега керак? Ижод эркинлиги ҳуқуқсиз бўлмайди, яъни қонун ижод эркинлигини кафолатлайди. Маданият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги, яратувчи ижодкор шахсининг ҳуқуқий мақоми йўқлиги, ҳимоясизлиги аслида эрксизликдир, чунки ҳимояловчи қонунлар йўқлиги учун ижодкорнинг қисмати вазирликдаги маъмурларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. А. Пушкин Императорнинг ҳимоясидан қонуннинг ҳимояси афзалдир, деган эди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳокимиятнинг «санойи нафиса ва адабиёт»га ғамхўрлиги унинг назорати ва цензураси билан боғлиқ бўлиб келди. Маданият ғоявийлик занжирига боғлаб қўйилди, «социалистик реализм» аталмиш рост ёзувчи ижодкор оғзига тиқилган латта узоқ сўзлашга имкон бермай келди, ҳақиқатни ёзганлар «социализмни кўролмаганлар, антисоветлар» деб аталди. Кейинги йилларга келиб очиқ қатағонлар бўлмаса-да, зимдан сиқувлар, маъмурий-партиявий зўравонлик давом этди. Албатта ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ғоявий ҳокимиятни ўз қўлига олган ягона хўжайин — давлатнинг маданиятни ҳуқуқий таъсир ўрнига маъмурий бошқарув йўли билан ушлаб туриши табиий эди. Бунинг натижасида ижодкор ҳуқуқнинг субъекти эмас, объекти эди, холос. Яъни унинг ҳуқуқлари йўқ, фақат давлат олдида мажбуриятларигина бор. Унинг истеъдоди билан ҳеч кимнинг иши йўқ, давлат истаса жазолайди, истаса кечиради, истаса мукофотлайди.

ИЖОДКОР ИККИ ЎТ ОРАСИДА ҚОЛДИ: «у ё санъатга, ё ҳукуматга хизмат қилиши керак?» Санъатга хизмат қилса, ҳаёти оғирлашади, ҳукуматга хизмат қилса, унвон олади, олий поғонага кўтарилади, аста-секин даҳо инсон оддий давлат хизматчисига айланади. Бундан буён мустақил Ўзбекистонда ижодкорга муносабат тобелик эмас, тенглик асосида бўлиши керак. Маданият ҳақидаги қонуннинг асосий ғояси — шахснинг ижодий мустақиллиги ва эркинлигини ҳуқуқий таъминлашдир. **Демократик ҳуқуқий давлатнинг асоси — маданият. Мустақил Ўзбекистон давлатининг маданий сиёсати қуйидаги принципларга қурилиши мақсадга мувофиқдир: маданиятда ижод ва ишлаб чиқариш эркинлиги таъминланади; маънавий бойликларни яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатишда барча фуқаролар имкон ва ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланади; миллий ва дунёвий маданиятнинг нодир бойликларидан баҳраманд бўлиш ва маданий ҳаёт кечиришини таъмин этувчи таълим тизими ривожлантирилади; маданият соҳасида яккаҳокимликка йўл қўйилмайди; маблағ билан таъминлашда давлат бюжети, тижорат ва ҳайр-эҳсонга таянилади; маданият соҳасидаги халқаро ҳуқуқий актларнинг устиворлигига эришилади.** Мустақил Ўзбекистон давлати ўз маданий сиёсатини ўзи белгилайди, маданиятнинг ҳуқуқий бошқарувини таъмин этади, халқнинг миллий-маданий бойликларини асрайди ва кўпайтиради, уларнинг ноқонуний олиб кетилиши ёки сотилишига йўл қўймайди, ҳар қандай ноқонуний «эгалари»дан қайтариб олишни талаб қилади, ижодкорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Умид қиламизки, мустақил Ўзбекистон давлати СССР давридаги маъмурий зўравонликдан воз кечади, ижод эркига тажовуз қилмайди, яккаҳокимликка йўл қўймайди. Албатта тушунаман, давлат маданий фаолиятга аралашадиган нуқталар бор, бироқ улар қатъий белгилаб қўйилиши керак. **Менингча, мустақил Ўзбекистон давлатининг маданий фаолиятга аралашуви уруш, зўравонлик ва шафқатсизликнинг, миллий, ирқий ва диний адоватнинг тарғиб этилишини ҳамда беҳаё асарларнинг тарқатилишини ман этиш билангина чегараланиши керак.** Ижодий жараёнга бевосита аралашишга, шунингдек, ижод эркинлигини чегаралашнинг бошқа шаклларига йўл қўйилмайди. Албатта, қонунни амалга оширувчилар ҳадларидан ошишлари мумкин. Дейлик миллатчилик ва миллатпарварликнинг чегараси шартлидир. Айнан бир асар учун ёзувчи «миллатчи» аталиб қораланиши ёки «миллатпарвар» аталиб оқланиши мумкин. Ёки беҳаё дейиладиган асарда қаҳрамон қай даражада яланғоч бўлиши керак, бунинг беҳаёлик «даража»сини ким аниқлайди? **Маъмурий аралашувга йўл қўймаслик учун ижодкорда унинг ҳуқуқи чекланган ҳар бир ҳолда судда ҳимояланиш ҳуқуқи бўлиши керак. Маданият соҳасидаги ҳар қандай чеклаш фақат қонун билан белгиланиши лозим.**

Қонунни фуқароларнинг маданий соҳадаги ҳуқуқлари бобидан — ўзига хос инсоннинг маданият ҳуқуқлари декларациясидан бошласак, тўғри бўлади. Унинг асосига ижод эркинлиги, ижодни касб қилиб олиш ва унинг мевасини эркин тарқатиш ҳуқуқи ётиши лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқлари уларнинг маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиши, миллий ва диний ўзлигини асраши, таълим олиши, уюшмаларга бирлашуви ва маданият корхоналари ташкил этишини кафолатлаши шарт. Дейлик, ёзувчилар битта уюшмага эмас, ўз услуби, йўналиши ахлоқий принциплари бўйича бир неча уюшмаларга бўлиниши, ўзаро мусобақага киришиши мумкин. Мен Олмонияда Хенрих Манни ҳавасмандлари клубида бўлган эдим. Клубнинг ўз Президенти, аъзолари ҳатто тамадди қиладиган қаҳвахонаси бор. Нега бизда чойхонаси бор Навоийшунослар, Чўлпонсеварлар, ёки Мақомсеварлар уюшмаси бўлмаслиги керак. Ҳар бир ижодкор ҳуқуқий шахс деб тан олиниши, ҳимояланиши мақсадга мувофиқ эмас деб рўйхатга олмасликка йўл қўйилмасин. Рўйхатга олмаслик учун фақат қонуний асос бўлиши шарт, ижодкорларда эса ўз ҳуқуқини суд орқали ҳимоя этиш ҳуқуқи сақланиши лозим.

Ва ниҳоят, маданий қимматлар ва миллий маданий бойлик мақоми белгиланиши, рўйхатга олиниши керак, қўриқланиши, олиб чиқиб кетилиши, қайтариб келтирилиши ва мулкий эгалик шартлари қонунда қатъий белгиланиши шартдир.

Таассуфлар бўлсинким, маданиятни маблағ билан таъминлаш шу пайтгача давлат эътиборининг бир четида бўлиб келди. Лекин бошқа бир фикр ташвишлантиради. Маданият арбоблари ҳар икки гапнинг бирида давлат раҳбаридан «маданиятга ғамхўрлик қилиш»ни «кўпроқ маблағ ажратишни» сўраб келмоқдалар. Уларнинг фикри қуйидаги йўналишда ишлайди: «раҳбар хоҳласа ёрдам бериши мумкин, хўш, мумкин экан, ёрдам бериши шарт. Демак, уни ишонтириш керак!» Ҳа, агар маданият қашшоқ бўлса, унга ёрдам бериш керак, лекин, ўйлаб кўрайлик, давлат маданиятни қанчалик кўп пул билан таъминласа, маданият шунчалик давлатга қарам бўлиб қолаверади, пул тўлаган давлат маданиятни ўз йўриғига юргизади.

**Мамлакатда маданиятга давлат бюжетидан 1,2 фоиз ажратилиши — шармандалик!»** — дейишди бизнинг арбоблар. Шубҳасиз: шармандалик. Аммо, дейлик, Италияда маданиятга бор-йўғи 0,6 фоиз ажратилади, лекин у ерда маданият юқори даражададир. Бунинг сирини очишга ҳаракат қилайлик.

Хўш, «давлатнинг шармандалиги»ни кўрсатувчи 1,2 фоизнинг ўзи қаердан олинади? Унинг 5,5 фоизи касаба уюшмалари, жамоа ва шўро хўжаликлари, корхоналарнинг мустақил харажатларидир. Аслида давлат уларни «ажратмайди», бор-йўғи «ҳисобга олади», холос. Кейин: «маданиятга ажратилган бюжет»нинг 56 фоизи сиз ва бизнинг пулимиз — кино, музей, концерт, театрга тушиб, тўлаган пулимиздир, яъни бу пулларни ҳам маданиятнинг ўзи ўз «бюжети» учун ишлаб топган. Бунинг ёнига «маданият соҳаси»нинг билвосита харажатларини (маданият корхоналари ва ташкилотларининг даромад солиғига тўлаган маблағи, соҳа ходимларининг маошидан олинадиган солиқлар ва ҳоказо) қўшсак, кўриниб турибдики, маданиятимиз унчалик «текинхўр» соҳа эмас, 83-87 фоизга ўзини-ўзи таъминламоқда. Демак «маданият бюжети»нинг ўндан биринигина давлат бермоқда, холос, демак, маданиятга унинг ўз пулини «ажратиб», давлат шунга қарамай унинг устидан хўжайинлик қилиб келмоқда.

МЕНИНГ НАЗАРИМДА, тамомила янгича маданий сиёсат зарур. Давлат маданиятни алдамасдан маблағ билан таъминлаш билан бирга бошқа манбааларнинг юзага келишига шароит яратиши лозим. Давлат бюжетидан маълум фоиз қатъий белгилаб қўйилсин, токи ҳеч бир раҳбар шундан паст белгилай олмасин. Маданият ўчоқлари, соҳа корхоналарининг маблағи ўзида қолсин, давлат, жамоа хўжаликлари, корхоналарнинг маданиятга ажратган маблағлари солиқдан озод қилинсин. Ҳайр-эҳсон тадбирлари, ютуқлари, тижорат ўйинларидан тушган маблағлар маданият ҳисобига берилсин. Тижоратга алоқаси бўлмаган янги маданий ташкилотлар беш йил давомида солиқдан озод қилинсин. Бу қонуншуносларимиз қилиши мумкин бўлган, давлатимизнинг қўлидан келадиган ишлар.

Аммо бу ҳаракатларнинг барчаси умумхалқ бирдамлигисиз зое кетади. Ҳаммамиз биргалашиб, юртнинг келажаги бўлмиш — маданиятни тиклайлик. Маданиятни ҳаммому кутубхона, театру клуб маъносида тор тушуниш хатодир. Юртимизда қадимда ривожланган маданий институтлар системаси — масжид ва мадрасалар, Беруний ва Форобийни, Хоразмий ва Ибн Синони улғайтирган билимгоҳлар бўлган. Абдуқаҳҳор Иброҳимов маълумотларига қараганда биргина Тошкентда 1911 йилда 26 мадраса бўлган. Улардан 23 таси 30-йилларда ва ундан кейин бузиб ташланган.

Мен Москва дорулфунунида таҳсил олдим. Бироқ Тошкент ёки Самарқанд дорулфунунининг талабаси ҳам мен билан бир хил ўқув дастурига эга. Ахир, Шарқдаги дорулфунуннинг ўзлиги қайда? Энди биз жумҳурият дорулфунунининг тарих куллиётида Амир Темур «Тузуклари»ни, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сини, Вамбери ва Клавихо саёҳатномаларини ўқитайлик, ҳуқуқшунослик факультети дастурига Исломнинг шариати, Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя», китобини киргизайлик, филология факультетида усмонли турк тилини ўргатайлик, Яссавий, Сўфи Оллоёр, Рабғузий ҳазратларидан таълим берайлик, фалсафа факультетида толиб ва талабалар Ғаззолий, Нақшбандий, Румий, Бедилнинг фалсафий қарашларини ўргансинлар. Шунда биз таълимнинг Шарқ мактабига эга бўламиз.

Жамият маданиятни қутқармаса, ўзини ҳам қутқаролмайди, чунки кўпчилик маданиятсиз бўлган ерда сиёсат ё зўравонликка ё бебошликка юз тутади.

# ХИСЛАТЛИ ИНСОН ЭДИ

АБДУРАҲИМ МУҲАНДИС 1870 йилда Нурота туманининг Ғозғон қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси Турдимурод ўқимишли, обрў-эътиборли шайх бўлган. Ўғлининг ўткир зеҳнини, қобилиятини илғаган отаси уни Бухорои Шарифнинг мадрасаларидан бирига ўқишга юборади. Абдураҳим мадрасада ўқитиладиган фанларни қунт билан ўрганади. Айниқса, Ислом динига оид китобларни севиб мутолаа қилади. Мадрасани битиргач, одамлар орасида мулла Абдураҳим номини олади. Ёшлигида сангтарошликни орзу қилган мулла Абдураҳим маҳаллий усталарга шогирд тушади. Мулла тез орада мармардан ясаган чиройли, нафис буюмлари билан халқ орасида танилади. Ўшанда Бухорода амир Саид Олимхон ҳукмронлик қилаётган пайтлар эди. Мулла Абдураҳимнинг моҳир сангтарош эканини эшитган амир уни ўз ҳузурига чорлайди. Уста бир неча йиллар амир хизматида бўлади. Бухоро яқинидаги машҳур Ситораи Моҳи-Хоссадаги ҳовуз, Кармanadаги Султонобод-Олчин боғи уста Абдураҳим бошчилигидаги усталар томонидан бунёд этилади. Бу жойларда бўлган киши уста Абдураҳимнинг маҳоратига, моҳирлигига тан бермай иложи йўқ. Уста, шуаролар қалб қўрини, меҳрини қоғозга бахш этганлари янглиғ, мармарни оддий тош деб эмас, соҳир кўнгил мўъжизаларини тўла акс эттира олгучи илоҳий маъдан, деб билади. 1920 йиллар арафасида амир Саид Олимхон уста Абдураҳимга фаввора ясашни буюради. Аммо 1920 йилда Бухоро амирлиги ағдарилгач, амирнинг бу буюртмаси бажарилмай қолади. Фаввoранинг асоси ва қозони ҳозирги вақтда Шоҳимардон зиёратгоҳи ҳовлисида сақланмоқда.

Уста Абдураҳим инқилобдан сўнг ҳунармандчилик артеллари ташкил этилгунга қадар мармар товоқлар, совға буюмлар тайёрлаб кун кечиради. Артель ташкил этилгач, биринчилар қаторида унга аъзо бўлиб киради. Ғозғон ва Нуротада ҳозиргача сақланиб қолган бир неча маъмурий биноларни қуришда фаол қатнашади. Уста санъатининг донғи Ўзбекистонга таралади. Устанинг Бухородаги ишларидан хабар топган Файзулла Хўжаев уни Ўзбекистон пойтахтига чақириб, давлат аҳамиятига молик қурилишларда иштирок этишни таклиф этади. Уста Абдураҳим 40 нафар ғозғонлик усталар билан Тошкентга келади. Тошкентдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг эски вокзал биноларини қуришда бош-қош бўлади. Кейинчалик Файзулла Хўжаев уста Абдураҳимни Ленин ҳайкалини яратиш учун Москвага юборади. Тошкентга қайтиб келган уста Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибод Хўжаев қабри устига ёдгорлик тоши тайёрлайди. Ишдан кўнгли тўлган Файзулла Хўжаев миннатдорчилик тариқасида Нуротага отланган моҳир устага милтиқ ва патефон совға қилиб юборади.

Уста Абдураҳимнинг ушалганларидан кўра ушалмаган орзулари, яратган асарларидан кўра яратмаган асарлари мўл эди. Чарчоқ билмаган қўллар яна қанча мармарга сайқал бериши мумкин эди. Аммо, машъум 1937 йил пойқадами изғиринли бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг кўпгина раҳбарлари халқ душмани сифатида қамоққа олинди. Қатағонга учраганлар рўйхатида Файзулла Хўжаевнинг номи биринчилар қаторидан жой олган эди. Мустабид ҳокимият нафақат Файзулла Хўжаевни, балки у билан яқиндан таниш бўлган кишиларни ҳам қамоққа ола бошлади. Пойтахтда қўпган қора булутлар Нуротага ҳам етиб келади. Уста Абдураҳим, Файзулла Хўжаевнинг думи, деган тамға билан ишлаб турган жойидан қамоққа олинади. Бу ҳақда қариндош-уруғларига хабар ҳам бермайдилар. Уста Абдураҳимни Хатирчи туманидаги «Зарафшон» совхозининг 1-бўлим территориясида жойлашган қамоқхонага олиб келадилар. Бундан хабар топган фарзандлари Аҳмаджон ва Раҳматулло қариндошлари билан оталарини кўришга борадилар. Шундан кейин устани қариндош-уруғларидан биронтаси ҳам кўра олмайди. Устани қачон, қайси томонга олиб борганини ҳеч ким билмайди.

Хотираларга қараганда, уста Абдураҳимни узоқ Сибирга олиб кетишган. Поезд Новосибирск шаҳрига етиб боргач, устанинг кексалигини инобатга олиб, шу ерда қолдиришган. Отанинг кейинги тақдири номаълум. Чунки, шу кунга қадар қатағон йилларининг қурбонлари тўғрисидаги маълумотларни олиш жуда қийин, ҳатто тақиқланган эди. Устанинг Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи қизи Ҳакима ая томонидан оталарининг кейинги тақдирини билиш учун шу вақтгача қилинган барча саъй-ҳаракатлари зое кетган эди. Энди замона зайли билан сир сақланиб келинган ҳужжатларни ўрганиш, аниқлаш пайти келди. Шундай бўлгач, уста Абдураҳимнинг қачон, қаерда вафот этганини, не не азобларга гирифтор бўлганини билиб, хотирасини абадийлаштириш фарзандларининг, невараларининг, қолаверса, юраги тоза кишиларнинг бурчидир.

Абдураҳим Муҳандис ўзининг улуғ санъати ва ажиб меъморлиги билан ҳаётда ўчмас из қолдирди. Унинг санъат дунёсида ўзига хос латиф шеваси бор эди. Бу шева жозиблиги билан одамларни мафтун этиб келмоқда.

Абдураҳим Муҳандис замонасининг буюк сангтароши эди. Хайриятки, авлодлар унинг ижодини, асарларини хор этиб қўймади. Устанинг невараси Туркман Эсанов бобосининг йўлидан бориб, ҳайкалтарошлик касбини танлади. Ўйлаймизки, Абдураҳим Муҳандиснинг ёрқин сиймоси сангтарошликдай мўъжизавий касбни танлаган ёшлар учун йўлчи юлдуз бўлиб қолади.

Азиз муштарий! Қуйида уста Абдураҳимжонни билган, кўрган кишиларнинг хотираларидан айримларини ҳукмингизга ҳавола этишга аҳд қилдик.

### ЁДНОМА

**СУЛТОН БОБО:** — Инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам туякашлик қилганман. Амир Саид Олимхон даврида Ситораи Моҳи-Хоссани қуришда фаол қатнашганман. Амир бу қурилишга Абдураҳим Муҳандис бошлиқ 40 та устани жалб қилган эди. Ғозғондан 300 та туя Ситораи Моҳи-Хоссага мармар тош ташиб турди. Мен у киши билан ўша пайтлари танишганман. Бўш ўтиришни ёқтирмайдиган, оғир меҳнатдан қочмайдиган, қўлоёғи чаққон киши эди, раҳматли. Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди: колхоз тузуми даври эди. Ғозғон яқинидаги Хўжа Карсон деган жойда колхознинг юзта туясини боқиб юрардим. Пешин яқинлашгач, товага овқат сузиб, уйга олиб кирдим. Ташқарига чиқиб, атрофга бир назар солдим. Кўзимга ҳеч ким кўринмади. Аммо дастурхонга ўтиришим билан эшикдан бир киши ассалому алайкум, деб кириб келди. Қарасам, мулло Абдураҳим. Мен билан ўтириб овқатланди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, у киши ўринларидан туриб, йўлга равона бўлдилар. Орадан бир неча вақт ўтмай, кўздан ғойиб бўлдилар. Мен ҳар қанча уринсам-да, у кишининг бирданига қайси томонга ғойиб бўлганини била олмадим. Шундай ғалати бир инсон эди.

**Аҳмаджон АБДУРАҲИМОВ** (Абдураҳим Муҳандиснинг ўғли): — Кеч кириб қолган эди. Бирданига ғала-ғовур бошланди. Ҳовлимизга босмачилар кириб келишди. Отам ва мени ҳовли ўртасига олиб чиқишди. Отамни учида темир қозиқ бўлган арқон билан боғлашиб, пул ва қимматбаҳо буюмлар бор жойни кўрсат, деб қийнай бошлашди. Отамдан ҳеч нарса билишолмагач, босмачилардан бири у кишининг устига миниб олиб, бир бошдан тишларини уриб синдирди. Қолганлари эса уйдаги ҳамма анжомларни ташқарига чиқариб йиғаётган эди. Шу пайт оғир сандиқни кўтара олмаган хонадондаги босмачилар қоровуллик қилиб ўтирган босмачини ичкарига чақиришди. Қоровул кетгач, отам ўз-ўзидан ечилдилар. Ўринларидан туриб, чордарага чиқа бошладилар. Буни сезиб қолган босмачилардан Муҳандисни тушириб қолди-деб отамнинг орқасидан югурди. Отам чордарага чиқиб улгурган эди. Отам қўшнининг ҳовлисига ўзини ташлаб, босмачилардан қутулиб қолдилар. Афсуски, кейинроқ замонавий «босмачилар»нинг қўлида ҳалок бўлдилар.

**Шарабону ЕДГОРОВА** (Абдураҳим Муҳандиснинг келини): — Қайнотам Тошкентдаги ишларини бажариб бўлгандан кейин Файзулла Хўжаев у кишига бир дона милтиқ ва ғазалхон-патефон совға қилган эканлар. У киши Ғозғонга етиб келиб, кўчадан кетаётсалар, олдиларидан бир қариндошлари чиқиб қолибди. Отанинг шаҳардан келаётганини билган йигит ҳазиллашиб, қани, бизга шаҳардан нима совға олиб келдингиз, деса, уста ҳеч иккиланмай қўлларидаги ғазалхон-патефонни бериб юборган эканлар.

**Салимбой РУСТАМОВ:** — Охунбобоев номидаги 6-ўрта мактабнинг пойдевори 1930 йилда қурилган. Колхоз раиси Омонулло Жиянов ва Ҳамро Наврўзов ленинградлик лойиҳачи-муҳандис Чумаковни Ғозғонга олиб келиб, Ғозғон мармар заводининг биринчи лойиҳасини тузиб олдилар. Шу лойиҳа асосида қурилиш ишлари бошланди. Бу қурилишнинг асосий раҳбари Абдураҳим Муҳандис эди. Бинони бунёд этишда калтакўчалик тошторошлар, Ғозғон қишлоғида яшаган ҳамма усталар қатнашди. Завод ускуналарининг ҳаммаси келтирилиб бино ичига қурилди. Аммо давлатнинг юқори ташкилотлари колхозда мармар заводи қурилишига қаршилик кўрсатдилар. Натижада завод учун келтирилган ҳамма қимматли ускуналар темир-терсакка айланиб кетди. Аммо, омадни қаранглки, бу бино шу ҳолича қолиб кетмади. Орадан ўттиз йил ўтгач, Охунбобоев номидаги 6-ўрта мактабга айлантирилди. Афсуски, бу мактаб биносининг пойдеворини қуришда Абдураҳим Муҳандиснинг катта ҳиссаси борлиги ҳақида ҳеч ким билмас, ҳеч қаерда қайд этилмас эди.

**Абдусаид РАСУЛОВ** (Абдураҳим Муҳандиснинг жияни): — Абдураҳим Муҳандис қаерга борса, фақат пиёда юришни яхши кўрарди. Нуротадан Ғозғонга келса, йўл билан эмас, тоғма-тоғ ошиб, фақат ашула хиргойи қилиб келарди. Абдураҳим Муҳандис доно, ақлли ва жуда серғайрат одам эди. Ҳеч кимга озор бермасди. Ўзи билан ишлайдиган усталарни жуда ҳурмат қилар, 20-30 талаб усталарни қурилиш ишларига жалб эта олар эди.

**Намоз ЖИЯНОВ:** — Мен колхоз даврида аравакашлик қилар эдим. Кунлардан бир куни у киши Карманагача олиб боришни сўрадилар. Биз икковимиз аравага ўтириб йўлга тушдик. Деҳибаланд қишлоғига етиб келганимизда отга овқат бериб, дам олишга тўғри келди. Шунда мулло Абдураҳим: менга қара ўғлим, сен дам олгунингча мен пиёда бoраверaман, етиб оларсан, дедилар. Деҳибаланддан йўлга чиқиб кўп юрдим. Аммо ҳеч кимни учратмадим. Қорақарға тоғига етиб келсам, тоғнинг устидалар. Қўлларида битта тош — ниманидир ясаяптилар. Мулло Абдураҳимнинг тоққа шунчалик тез етиб борганига сираям ишонгим келмасди. У киши қандайдир бир хислатли инсон эди. Бунга шубҳам йўқ.

**Бобомурод НАРЗИЕВ:** — 1937 йили мени ҳам Файзулло Хўжаевнинг думи, деб қамоққа олдилар. Мен билан бирга қамалганларни Хатирчи туманидаги «Зарафшон» совхози территориясида жойлашган қамоқхонага олиб келишди. Бизларни ҳар куни Зарафшон дарёси томон ишга олиб боришарди. Аммо қамоқхонада кекса бир киши қолар, негадир бизларга дарёдан тош олиб келишни илтимос қиларди. Кейин билсак, ўша тошлардан ҳар хил шаклларни ясар эканлар. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг ҳаммамизни поездга ўтқазиб Сибирга ҳайдашди. Поезд Новосибирск шаҳрига етгач, поездан Абдураҳим Муҳандисни тушириб қолдиришди. Бизларни эса яна Сибирнинг ичкари томонига олиб кетишди. У кишининг кейинги тақдиридан хабарим бўлмади...

Хотиралардан ҳам кўриниб турибдики, уста Абдураҳимжон ҳаёти ва ижоди ҳали чуқур ўрганишни тақозо этади. Бу масалага жумҳуриятимиз Рассомлари уюшмаси, Маданият Вазирлиги жиддий эътибор берса, айни муддао бўларди. Шунда халқимизнинг яна бир меросини асраб қолган бўлар эдик.

**Истам БОБОНАЗАРОВ**

*СССР Давлат мукофотига номзодлар*

# ОҚ РАНГ СИРЛАРИ



БУГУНГИ ШАРҚ, жумладан Ўрта Осиёнинг ривожланаётган маданияти ўзининг мустаҳкам пойдеворларига, азалий анъаналарига дарз тушмаган қадим ҳаёт тарзи таъсирида янги Уйғониш даври бўсағасида тургандек туюлади. Бунга шубҳасиз, ислом динининг ҳам юксак таъсири бор.

Маълумки, ислом қадимги араб ва яҳудий анъаналарига суяниб, мусулмон динида инсон ва ҳайвонларни акс эттирувчи унсурлар бўлмаслиги сабабли табиатнинг очиқ тасвирини кўрсатиш бироз чекланган. Бу ҳол мусулмон халқлари санъатида борлиқни мажозий образлар, ташбеҳлар орқали идрок этиш, ҳис қилиш маданиятини шакллантирди. Бу анъаналар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Масалан, Шарқ маданияти ва санъатининг бу ўзига хос анъанавийлиги Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти фойесида таниқли ганчкор-ўймакор усталар — Умаржон Тоҳиров ҳамда Зиёвутдин Юсупов томонидан бажарилган ўймакорлик ишларида ўз аксини топган.

Улар машҳур уста Маҳмуд Усмонов этагидан тутиб ўймакорлик санъатининг барча сир-асрорларини машаққат ва ихлос билан ўргандилар. Икки ёш ижодкор яна бир машҳур ганчкор-ўймакор Уста Ширинни ғоявий ва маънавий устоз деб билдилар. Унинг ўлмас ижодидан, ҳаётидан сабоқ олдилар. Изланишлар беиз кетмади. Вақт ўтиб уларнинг ижодга муносабати, дунёқараши ўсди, камол топди. Тарихни, халқ санъати анъаналарини қадимги усталар иш услубини ўрганиш, ганчкорликнинг миллий хусусиятларини бойитишга интилиш рассомларга куч ва матонат бағишлади. Энг муҳими, турғунлик йилларининг оммавий таназзулидан, турли хил ўткинчи буюртма «асарлар» яратишдан ўзларини тийдилар. Айрим усталарга ўхшаб енгил шон-шуҳрат йўлидан бормадилар. Санъатда ўз услубинг ва ўз қиёфанг бўлишига нима етсин?

Ёш ганчкорлар Бухоро, Хева, Самарқанд каби шаҳарларда бўлиб, кўҳна обидаларнинг меъморчилиги ва қадимги усталарнинг миллий санъатини қунт билан ўрганишга катта эътибор бердилар. Мусулмон меъморчилик санъати ёш қалбларни худди тириклик булоғи каби юксак дунёнинг назмий тимсолларига эш қилди. Улар бу мўъжизалар қаршисида лол қолдилар ва ҳар бир маданий ёдгорликнинг яратилиш сир-асрорларини меҳр билан ўргандилар.

Ҳаёт ташвишлари, халқ тарихи ҳақидаги ўйлар, санъатга бўлган чексиз муҳаббат инсонларга бўйсунмайдиган, дунёнинг ишларини илкида тутган илоҳий абадиятга, гўзалликка фақат ҳақиқий ижод билан яқинлашиш мумкин, деган хулосага олиб келди. Ҳаёт аслида бир карвонсарой бўлиб, жуда кўп нарсалар ўткинчи экан. Ёлғиз санъатгина мангуликка дахлдорлигини У. Тоҳиров ҳам, З. Юсупов ҳам чуқур англадилар.

Рассомлар руҳий кечинмаларни, бадиий тимсолларни, ўй-хаёлларни ганчгина аниқ ифода эта олади, деган фикрга келдилар. Бу бежиз эмас. Чунки ганчнинг ранги оқ — илоҳий ранг. Унда софлик, уйғунлик, тиниқлик ва осудалик мужассам.

Ганч-ўймакорликда гилам қонуни, яъни нақшларнинг механик такрори эвазига сунъий вазн ҳосил қилиш услуби кўп йиллардан буён қўлланиб келади. Лекин бу услубда устанинг маҳорати билан ишлаган жонли, ҳаяжонга солувчи композициялари унчалик сезилмайди. Умаржон ва Зиёвутдин ўз ижодида бу хато услубни синдиришга, йўқолган анъаналарни қайта тиклашга ҳаракат қилдилар. Масалан, ирригация институтида амалга оширилган ўймакорлик ишларида Бухоро ва Хева ганчкорлик мактаблари услубларининг қайта тикланганлигини кўрамиз.

Бухоро мактаби ҳам образлилиги билан фарқланади. Бу услубда ҳар бир нақш, жимжима бир-бирини тўлдиргандек туюлади. Ҳажмларнинг оҳанг бирлиги, бўшлиқ ва нақшларнинг бир-бирига аниқ мутаносиблиги эса Хева мактабига хос. Бу ганчкорлик ишининг ҳар бир бўлаги — мустақил, маҳобатли асар бўлгани билан, яхлитликнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Умаржон Тоҳиров ва Зиёвутдин Юсуповнинг ўймакорлик ишлари миллий санъатнинг нафосатга бой, руҳий камолотга етган катта асарлардан биридир. Зеро, уларнинг санъатида ҳаёт ва ўлим, кун ва туннинг мантиғи яширин. Бу санъат бизни руҳан бойитиши, абадий ва асл тушунчаларни англашда кўприк бўлиши, моддий ҳаёт кишанларига банди бўлган инсонга руҳий озодлик бахш этиши шубҳасиз. Бу ҳақда ҳали соҳанинг етук мутахассислари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Халқимизнинг икки фидойи устаси — У. Тоҳиров билан З. Юсупов Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти фойеси ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси нашриёти биносини ўймакорлик билан безаш ишлари учун 1991 йилги СССР Давлат мукофотига тавсия этилган. Кичик бир мақолада усталар амалга оширган барча улкан ишлар ҳақида батафсил тўхталишга имкониятимиз йўқ. Лекин шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, номзодлар бажарган ўймакорликнинг юксак санъат намуналари ҳар жиҳатдан мукофотга лойиқ.

**Сергей НЕМЦОВИЧ,**
санъатшунос

# ТЎСҚИНЛИК

## ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ: ИЛК ИЗЛАНИШЛАР ВА МУАММОЛАР

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИНИ хўжалик ҳисобига ўтказиш борасидаги тортишувлар даври тугади. Ҳозир жумҳуриятимиздаги барча маданият муассасаларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш кенг жорий қилинган. Кейинги беш йил ичида бу борада амалга оширилган тадбирлар маълум бир хулосалар чиқариш, пайдо бўлган тўсиқларни бартараф этиш борасидаги фикрлар билан ўртоқлашиш имконини беради. Шу ўринда рақамларга мурожаат қиламиз.

1986 йили жумҳуриятимиз Маданият вазирлигига қарашли клублар томонидан аҳолига 598,2 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Бу режадагидан уч ярим баробар ошиқ эди. 1987 йили клублар 2.065,6 минг, 1988 йили 2.827,4 минг, 1991 йилнинг биринчи ярмидаёқ 2.933 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Демак, биргина клуб муассасаларини аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан топган даромади беш йил ичида деярли 18 баробар ошди. Мантиққа кўра фикрлайдиган бўлсак, клуб муассасаларининг маблағи ортиши билан улар моддий техника базаси мустаҳкамланиши, янги-янги мебеллар, мусиқа асбоблари ва замонавий техника воситалари сотиб олиниши, хўжалик ҳисоби маданият муассасалари фаолиятида кескин сифат ўзгаришларига олиб келиши лозим эди. Аслида хўжалик ҳисобига ўтишдан кўзланган бош мақсад ҳам шу эди. Бироқ бу кўзланган вазифаларни бирортаси ҳам амалга ошмади. Фикримизни расмий тан олинган битта рақамни келтириш билан исботлаймиз. Масалан, хўжалик ҳисобига ўтиш арафасида жумҳуриятимиздаги деярли 80 фоизга яқин клубларнинг бинолари қайта тиклашга муҳтож, деб расмий эътироф қилинган бўлса, ҳозир улар сони 90 фоизга кўтарилди. Бу ўринда изоҳ ортиқча!

Биз шу пайтгача маданият муассасаларини зарур бинолар билан таъминламагани учун ҳам, мутахассисларни бошқа соҳаларга ўтиб кетганлиги учун ҳам, ҳатто ўтказиладиган тадбирларнинг сифати пастлиги учун ҳам Маданият вазирлигини айблаб келдик. Ҳозир вазият ўзгарди, маданиятга тааллуқли бўлган барча масалаларни энди маҳаллий идоралар ва маданият бошқармалари, бўлимлари ҳал қиладиган бўлди. Шундай экан, маданият муассасаларининг аҳволи учун энди ана шу идоралар бевосита жавобгардирлар.

Хўжалик ҳисоби кўзланган натижаларга олиб келмаётганлигининг сабаблари кўп. Маданият муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган моллар ва жиҳозлар баҳоси тўрт-беш баробар ошиб кетди. Мусиқа асбоблари, кийим-кечакларни эса дўконлардан излаш бефойда. Бундан ташқари маданият муассасалари ўз маблағларига эга бўлса-да, аммо зарур нарсаларни бевосита сотиб олиш ҳуқуқи йўқ. Махсус рухсатнома орқали пул ўтказиб сотиб олиш тартиботи бунга йўл қўймайди. Лекин мавжуд тўсиқлар ичида энг асосийси мутахассисларимизнинг янги иқтисодий бошқарув шароитида ишлай олмаётганликларида сезилмоқда.

Жумҳуриятимиздаги маданият муассасалари хўжалик ҳисобининг икки кўринишида—ярим хўжалик ҳисоби ва тўла ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш олиб боришади. Давлат, касаба иттифоқи клублари, маданият саройлари ярим хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишади. Уларда ишлаётган ходимлар маоши ана шу идоралар томонидан белгиланади. Маданият муассасалари учун зарур бўлган қурилиш ишларига, жиҳозлар, кийим-кечаклар, чолғу асбоблари сотиб олишга ҳам ана шу идоралар маблағ ажратишади. Бундан ташқари, давлат ва касаба иттифоқига қарашли бўлган маданият ўчоқлари ўзлари ишлаб топган маблағлардан ҳам юқоридаги заруриятлари учун фойдаланиши мумкин. Тўла ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ишлаётган муассасаларга Ёшлар маданий марказлари, илмий-техника ижодиёти уйлари, маданий-маърифий ширкатлар, тўй бюролари ҳамда видеосалонлар киради. Бу муассасалар нима билан шуғулланишларини, қандай лавозимларни таъсис этишларини, ходимларга қанча ҳақ тўлашларини ўзлари мустақил ҳал қиладилар. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра бундай маданият ўчоқлари ҳозир жумҳуриятимизда икки мингга етди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ МАДАНИЯТ МУАССАСАСИГА ўз фаолиятини мустақил белгилаш ҳуқуқини беради. У истаса концерт қўйиши, истаса оғзаки тарғибот ишлари билан шуғулланиши мумкин. Бироқ уни қандай фаолият турлари билан шуғулланиши аҳолининг маданий талабларига қараб белгиланади. Чунки у аҳолининг ана шу талабларини қондиришга йўналтирилган тадбирларни уюштиргандагина зарур маблағлар топиш, хўжалик юритиш имкониятига эга бўлади. Бу маданий талаблар аҳоли турли қатламларининг қизиқишларини аниқ ифода этади. Бундан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам манфаатдордирлар. Бу идоралар маданият муассасаларига зарур маблағлар ажратар экан, улар аҳоли маданий талабларини қондиришга йўналтирилган ижтимоий-ижодий буюртмалар берган ҳисобланади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Хўжалик ҳисоби ҳар кимни қобилияти ва ҳақиқий қилган меҳнатига яраша ҳақ олишни талаб қилади. Бусиз ходимни мавжуд имкониятларни тўла ишга солишга даъват этиш қийин. Янги иш юритиш тартиботи шуни тақозо этади. Бироқ ҳозирда қўлланилаётган тартибот маданият муассасаларини гуруҳларга қараб ва чегараланган миқдорда маош олишга асосланган. Бу ўринда хўжалик ҳисобининг асосий хусусияти билан ана шу тартибот ўртасида бир-бирига зид бўлган қарама-қаршилик мавжудлиги кўзга ташланади.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир маданият муассасаларининг бош мақсади кўпроқ маблағ топишга қаратилган. Агар бу тартибот ўзгартирилмаса, келгусида маданият ўчоқлари коммерция йўлига ўтиб олади. Масалан, 1986 йили клубларни аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши 42,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган йили эса у 66,2 фоизга кўтарилди. Маблағ кетидан қувиш маданият муассасаларининг келгуси тақдири учун хавфли эканлигини Маданият вазирлиги ҳам, етук мутахассислар ҳам ташвишга тушиб таъкидламоқдалар. Бироқ бизда ҳозирча бошқа кўрсаткич ишлаб чиқилган эмас. Бу йил жумҳуриятимиздаги молиявий танқислик туфайли фавқулодда бюджет тузилди. Бу тадбир энг аввало маданият муассасалари ҳисобидаги маблағларни қисқартириш ва улардан фойдаланишни чегаралаб қўйишга йўналтирилган.

Масалан, олдинги йиллар ишлатилмай қолган маблағлар келгуси йили ҳам ишлатилиши мумкин эди. Ҳозир эса бу тақиқлаб қўйилди. Демак, пайти келиб ишлатилмай қолган маблағлар яна давлат бюджетига қайтарилади. Агар аҳвол шу тариқа давом этадиган бўлса, келгусида маданият муассасалари тармоқлари қисқариб кетиши ёки давлат бюджетидан чиқарилиб тўла ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилиши мумкин. Баъзи чет давлатларда, масалан, Голландия, Кореяда давлат бюджетидаги клублар йўқ. АҚШ, Хитой, Японияда оммавий-ташвиқий ва дам олиш ишларини олиб борувчи маданият ўчоқлари зарур маблағларни ўзлари топади. Улар фаолиятини йўлга қўйиш ва керакли ёрдамлар беришни маҳаллий бошқарув идоралари амалга оширади. Бу давлатларда энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган маданият муассасаларигина давлат бюджетида туради. Масалан, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театри ана шундай муассасалар қаторига киради.

Бизнинг фикримизча, бу масканларни қандай шаклда бўлишини, нималар билан шуғулланишини маҳаллий аҳолининг ўзи белгилаши зарур. Хизмат қиладиган ходимлар сони, уларга бериладиган маош миқдорини ҳам маҳаллий аҳоли ўрнатиши керак. Бироқ бу масалаларни кўпчилик овоз бериши билан ҳал бўлиши қийин. Бу ўринда илмий тадқиқотчиларнинг ўрни жуда катта. Умуман олганда, ҳозир маданият муассасалари чуқур илмий асосланган кўрсатмаларга, йўл-йўриқларга муҳтож. Масалан, номигагина битта-иккита ходими бўлган, биноси ҳам йўқ даражада, иш савияси паст қишлоқ клубларини давлат бюджетида сақлаб туриш шартми? Шунинг учун уларни қисқартириш таклиф қилинаётганлигини соҳамиздан бироз хабардор бўлганлар яхши билади. Бу таклифнинг қанчалик илмий асосланганлигига ишонмай туриб қишлоқ клубларидан воз кечиш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, маданият соҳаларини ташкил қилиш ва бошқариш, уларга хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳамда ривожлантириш истиқболларини излаб топиш билан шуғулланувчи илмий тадқиқот ўчоғи зарур. Марказий шаҳарларда бу вазифаларни асосан илмий тадқиқот институтлари ва аспирантуралари олиб бормоқда. Бизда эса бундай даргоҳлар йўқ. Тўғри, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти қошида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган аспирантура очилди. Аммо у эндигина қадам ташламоқда. Шунингдек, унинг қабул режалари ўта чекланган. Ҳамза номидаги санъатшунослик институти ҳам маданият муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб боради. Аммо улар маданият иқтисодиёти ва уни бошқариш мавзулари билан шуғулланишмайди. Демак, ё маданият институти қошидаги аспирантурани кенгайтириш ёки бўлмаса маданият муассасаларини бошқариш мавзулари билан шуғулланадиган бошқа бир илмий тадқиқот даргоҳини очиш ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим бўлади.

МАДАНИЯТ СОҲАСИДА янги иқтисодий бошқаришни жорий қилиниши мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам ўзгартишлар қилишни кун тартибига қўйди. Шу пайтгача ўқув жараёнлари бўлғуси мутахассисларда оғзаки тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга йўналтирилган эди. Энди бу ёндашиш етарли эмас. Маданият муассасаларини бошқаришни такомиллаштириш зарурлиги ўз навбатида бўлғуси мутахассисларни ана шу муаммолар билан таништириш, уларни зарур билимлар билан қуроллантиришни талаб қилмоқда. Бу ўринда қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

**Биринчидан,** маданият муассасалари иқтисодиётини ташкил қилиш ва бошқаришни бевосита амалга оширувчи олий малакали мутахассислар тайёрлаш керак. Бундай мутахассислар 80-йиллардан буён Санкт-Петербургдаги касаба иттифоқи олий Маданият институтида тайёрланади. Махсус кузатишларимиздан маълумки, айнан шундай мутахассисларга бизнинг жумҳуриятимиз ҳам муҳтож. Вилоят маданият бошқармалари, район маданият бўлимлари ва касаба иттифоқига қарашли маданият муассасаларида бошқариш вазифалари билан шуғулланаётганларнинг, бизнинг ҳисоб-китобга кўра, атиги 11 фоизи махсус билимларга эга. Бундан ташқари ҳозир жумҳуриятимизда тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган Ёшлар маданий марказлари, илмий-техника ижодиёти уйлари, маданий-маърифий ширкатлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Уларга ўрта ҳисобда иқтисодиёт ва бошқарув ишларини яхши биладиган уч мингдан зиёд маданиятшунос-менеджерлар зарур. Ҳатто бундай мутахассисларга чет эллар маданиятини, уларда маданий соҳалар қандай ташкил қилингани ва бошқарилишини ўргатиш зарур бўлмоқда. Чунки бу маданият ўчоқлари ичида баъзилари чет эллар билан шартнома тузиб ишлашга ўтмоқда.

Бу ўринда таклифимиз шуки, маданият институтида маданият иқтисодиёти ва бошқаришини амалга оширувчи мутахассислар тайёрловчи махсус бўлим очилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Иккинчидан,** жумҳуриятимизда халқ ижодиётига, айниқса, амалий санъатига бўлган қизиқиш кучли. Ҳозир деярли ҳар бир Маданият уйида халқ амалий санъатини ўрганишга қаратилган пуллик уюшмалар мавжуд. Бироқ биз ана шу санъат турларини олиб бориш билан шуғулланувчи мутахассисларга эга эмасмиз. Ҳатто улар бизда тайёрланмайди ҳам. Тўғри, Тошкент Санъат институтида айрим йўналишда мутахассислар тайёрланади. Аммо улар клублар ва Маданият уйларида ишлашмайди. Демак, биз халқ амалий санъатини тарғиб қилувчи мутахассислар тайёрлашга киришишимиз керак.

**Учинчидан,** маданият муассасалари учун мутахассислар тайёрлашни ўрта махсус билим юртлари ҳам амалга оширади. Улар тайёрлаётган мутахассислар йўналишлари маданият олий ўқув юртларидан деярли фарқ қилмайди. Мазкур тартибот билим олишни поғонама-поғона амалга ошириш мақсадида жорий қилингани ҳаммага маълум. Лекин тажриба шуни кўрсатаяптики, маданият соҳаларида ишлаётган ўрта махсус маълумотли кишилар кейинчалик олий ўқув юртларида сиртдан ўқишни давом эттирадилар. Демак, улар битта касбни эгаллаш учун 8—9 йил сарфлайдилар. Шунинг учун ўрта махсус ўқув юртларида икки ярим-уч йил ичида ўрганиш мумкин бўлган ва шу олган билимлари билан амалиётда бемалол ишлай оладиган йўналишдаги мутахассислар тайёрланиши зарур. Бир пайтлари Наманган маданий-оқартув техникумида халқ наққошлиги бўйича махсус бўлим мавжуд эди. Шундай бўлимларни ҳозир яна очиш керак. Бундан ташқари ўрта махсус билим юртларида талабаларни маданият иқтисодиёти ва уни бошқариш асосларини ўргатувчи махсус фанлар киритиш эҳтиёжи мавжуд. Хуллас, бу борада жиддий ўйлаб кўриш зарур.

**Тўртинчидан,** маданият муассасалари моддий техника базасини ривожлантириш, ходимларни зарур маблағлар билан таъминлаш фақат давлат маблағлари орқали амалга оширилиши мумкин, деб ўйлайдиганлар янглишади. Бу вазифаларни ҳал қилиш ўз навбатида меҳнат жамоаларининг ишбилармонлиги ва аҳолига кўрсатган пуллик хизматидан тушган даромадлардан оқилона фойдаланишларига ҳам боғлиқ. Давлат томонидан бериладиган маош ҳеч қачон маданият ходимлари эҳтиёжини қониқтирмайди. Буни ўтган йиллар тажрибалари кўрсатиб турибди. Ҳатто ҳозирги бозор муносабатлари билан оширилган маошлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

ҲАММА ГАП ХОДИМЛАРНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИГИ ва қобилиятларини тўла ишга солишига бориб тақалади. Бу ўта нозик руҳий ҳолатни чет эллик ишбилармонлар жуда яхши билишади. Кишини доимий изланишга, янги-янги иш усулларини татбиқ қилишга ундайдиган нарса кўпроқ ишлаб, кўпроқ ҳақ олиш имкониятининг мавжудлигидир. Агар биз маданият ходимларимизни дадил ва фаол ишлашини истасак, ана шу имкониятларни яратишимиз, тайёрлаётган мутахассисларимизга эса бу имкониятлардан фойдаланиш йўлларини ўргатишимиз шарт.

**Рўзимат МАҲМУДОВ,**
педагогика фанлари номзоди,

**Виктор АЛИМАСОВ,**
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти катта ўқитувчиси

